

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР ҚАДРЛАРИНИ ҶАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ КАДАСТР
БАҲОСИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЗАМОНОВИЙ
УСУЛЛАРИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тузувчи: кат. ўқит. Ихлосов И.

М У Н Д А Р И Ж А

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА.....	10
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	11
МАЪРУЗА МАТНИ	27
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	48
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ	58
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ	61
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН МАВЗУЛАР	62
ГЛАССАРИЙ.....	64
ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР	68
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	72

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг асосий мақсад – кўчмас мулкни баҳолашга оид фанлардан дарс берувчи педагогларни Ўзбекистон Республикасида мулк қийматини баҳолашнинг норматив-хуқуқий асослари, мулкни баҳолашни техник ва услубий жараёнлари бўйича тизимли равишда малакасини оширишдан иборат.

Модулнинг асосий вазифаси – Ўзбекистон Республикасининг бутун худудидаги юридик ва жисмоний шахсларга мулк хуқуқига тегишли бўлган бино ҳамда иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш ишлари юридик ҳамда жисмоний шахслар мулкининг баҳолаш, қайта баҳолаш пайтидаги қайта ишлаб чиқариш ёки ўрнини босиш қийматини (тикланиш қийматини) солиққа тортиш ёхуд кўрилган зиён ва йўқотишларнинг ўрниин қоплаш учун аниқлаш мақсадларида бажариладиган иш жараёнлари билан таништиришдан иборат.

Модул бўйича тинглавчиларнинг билим, кўнигма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Кўчмас мулк объектларни кадастр баҳосини аниқлашнинг замоновий усуллари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

Тингловчи:

мулкни баҳолашда йиғиладиган ахборотларга қўйиладиган талабларни, баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларнинг нормаларини ва қоидаларини **билиши** керак;

Тингловчи:

модулнинг тегишли мавзулари бўйича Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган норматив ҳуқуқий хужжатлар талабларидан келиб чиқсан ҳолда мулкни баҳолашда йиғиладиган ахборотларни жамлаш, баҳолаш материалларини тайёрлаш ва ҳисобларни амалга ошириш, чизма ишиларини бажариш, кўчмас мулк объекти қийматини баҳолаш бўйича ҳисботлар тузиш **кўнигмаларига** эга бўлиши керак;

Тингловчи:

мулк қийматини баҳолашнинг назарий ва амалий жиҳатларини билиш, норматив-хуқуқий хужжатлари билан ишлаш **малакаларига** эга билиши керак.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан
боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Кўчмас мулк обьектларни кадастр баҳосини аниқлашнинг замоновий усуллари” умуммутахассислик модули ҳисобланиб, “Кўчмас мулкни баҳолаш” фанларидан дарс олиб борувчи мутахассис-ўқитувчиларга мўлжаланган. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида кўрсатилган “Давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг долзарб масалалари”, “Геодезия, картография ва кадастр фанларини ўқитишдаги инновациялар” модуллари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, услугбий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги таъминланган.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат							Мустакилил таълим		
		Ҳаммаси	Аудитория ўқувюкламаси				Жумладан:				
							Жами				
			Назарий	Амалий	Мангулот	Кўчма	Мангулот				
1.	Кўчмас мулк обьектларини баҳолаш жараёни боскичлари. Кўчмас мулк обьектларини баҳолаш усуллари	2	2	2							
2.	Бино ва иншоотлар тикланиш баҳоси яхлит кўрсатгичлари тўпламлари билан танишиш	2	2			2					
3.	Кўчмас мулк обьектларининг тикланиш баҳосини ҳисоблаш жараёнлари билан танишиш	2	2				2				
4.	Кўчмас мулк обьектларини баҳолаш ва қайта баҳолаш норматив-хуқуқий асослари ўрганиш	2						2			
Жами:		8	6	2	2	2	2	2			

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-Мавзу. Кўчмас мулк объектларини баҳолаш жараёни босқичлари. Кўчмас мулк объектларини баҳолаш усуллари.

Режа:

1. Баҳолашга оид вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш, ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш.

2. Кўчмас мулқдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили.

3. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш.

4. Баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш.

5. Кўчмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қийматини ҳисоблаш.

6. Баҳолаш тўғрисида ҳисобот тузиш.

Баҳолашга оид вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш. Ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш. Кўчмас мулқдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш. Баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш. Кўчмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қийматини ҳисоблаш. Баҳолаш тўғрисида ҳисобот тузиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

2-Мавзу. Бино ва иншоотлар тикланиш баҳоси яхлит кўрсатгичлари тўпламлари билан танишиш

Режа:

1. Нотуар бино ва иншоотларни тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган тўпламлари билан танишиш.

2. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлар ва посёлкаларидағи кўп квартирали турар уй-жойларнинг тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлаштирилган тўплами билан танишиш. I ва II Китоб.

Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлар ва посёлкаларидағи кўп квартирали турар уй-жойларнинг тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлаштирилган тўпламлари. Нотуар бино ва иншоотларни тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган тўпламлари.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Тингловчиларнинг модулни ўзлаштириш жараёнида олган билим ва қўникмаларини янада такомиллаштириш, фан соҳасидаги янгиликлар билан танишитириш мақсадида “Гошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси”да кўчма машғулот ташкил этилган.

Мавзу. Кўчмас мулк объектларининг тикланиш баҳосини ҳисоблаш жараёnlари билан танишиш

Ўлчаш ишларини олиб бориш. Конструктив элементлари материалларини таърифлаш. Конструктив элементларнинг жисмоний эскириш фойизини аниқлаш. Қурилиш майдони ва ҳажмини ҳисоблаш. Тикланиш қиймати яхлит кўрсатгичлари тўпламлари билан ишлаш. Уйжойнинг бутун инвентар қийматини аниқлаш. Инвентар қийматини жисмоний эскириш фойизига камайтириш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

Малакавий иш:

Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).

Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.

Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.

Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

титул варағи;

кириш;

асосий қисм;

хулоса;

фойдаланган адабиётлар рўйхати;

илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

тавсия қилинган адабиётларни муртоала қилиш;

мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;

мультимедиа дарсликларини яратиш мезонлари;

талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;

автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

ўз-ўзини касбий ривожлантириш;

баҳолаш ишлари бўйича дарслик ва электрон ўқув-ресурслари, тарқатма материаллардан мустақил фойдаланиш;

тингловчининг ўзи ўқитаётган баҳолаш ишлари бўйича электрон дидактик манбаларни яратиш;

шахсий сайтини яратиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив хуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни (19.08.1999 й. №811-I).

2. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (09.04.2009 й. № ЗРУ-208).

3. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти МБМС № 1÷5 (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 14.06.2006 й. 01/19-19-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия взирлигидан 24.07.2006 йилда 1604 рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

4. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (МБМС № 10. “Кўчмас мулк қийматини баҳолаш” (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 12.10.2009 й. 01/19-18/21-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия взирлигидан 18.11.2009 йилда 2044 рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

5. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (МБМС № 12. “Солиқ солиш мақсадида ялпи баҳолаш усуллари билан кўчмас мулк қийматини баҳолаш” (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 25.03.2012 й.. N 01/19-18/06-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия взирлигидан 08.05.2012 йилда N 2359 рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

6. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 24.04.2008 й. “Баҳолавчи ташкилотларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар кўрсатаётган хизматлари сифати учун жавобгарлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-843- сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2008 й. “Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳақиқийлигини экспертизадан ўтказиш механизмини тасдиқлаш тўғрисида”ги 161-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.1995 й. “Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган бинолар ва иншоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 478-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.05.2006 й. “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 97-сонли қарори.

Норматив техник хужжатлар:

1. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари “Турар жой биноларининг жисмоний эскиришни баҳолаш қоидалари (КМК 2.01.16-97). Т. Узбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, 1997.

2. Шаҳар ерларини бозор нархларида баҳолаш бўйича услубий тавсиялар. (ГККЙМК-18-010-98), Т. Ўзгеодезкадастр, 1998.

3. Нотурар бино ва иншоотларни тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган тўплами. (ГККЙМК-18-013-99), Т. Ўзгеодезкадастр, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, 1999.

4. Бино ва иншоотларни бозор услублари билан иқтисодий баҳолаш бўйича услубий тавсиялар. (ГККЙМК-18-026-99), Т. Ўзгеодезкадастр, 1999

5. Кўчмас мулкни бозор нархи ҳақидаги хисботни тузиш тўғрисида Кўрсатма. (ГККЙМК-18-036-00), Т. Ўзгеодезкадастр, 2001.

6. Бино ва иншоотларни жисмонан ва функционал эскиришини аниқлаш услуби. (ГККЙМК-18-037-00) Т. Ўзгеодезкадастр, 2001 .

7. Даромад келтирувчи кўчмас мулкни бозор нархлари усулида баҳолаш тўғрисида услубий тавсиялар. ГККЙМК-18-045-02, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 2002 й.

8. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлар ва посёлкаларидағи кўп квартирали турар уй-жойларнинг тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлаштирилган тўплами. I ва II Китоб. (ГККЙМК-18-076-03), Т. Ўзгеодезкадастр, 2003.

9. Кўчмас мулкни баҳолаш тўғрисида услубий қўлланма. (ГККЙМК-18-088-03). Т. Ўзгеодезкадастр, 2003.

Ўқув адабиётлари:

1. Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н., Хадиев Б.Ю. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Академиги Ғуломов С.С. таҳрири остида. “Кўчмас мулкни баҳолаш”. –Т.: Фан, – 231 б.

2. А.Н. Асаул. Экономика недвижимости. –М.: ПИТЕР, 2004.
3. Горемыкин В.А. Экономика недвижимости. – М.: Маркетинг, 2002.
4. Григорьев В.В., Островкин И.М. Оценка предприятий. Имущественный подход. Учебно-практическое пособие.- М.: Дело, 1998.

5. Григорьев В.В., Федотова М.А. Оценка предприятий: теория и практика. Под ред. В.В.Григорьева.- М.: Инфра – М., 1997.
6. Григорьев В.В. Оценка и переоценка основных фондов. - М.: Инфра - М, 1997.
7. Ковалев А.П. Как оценивать имущество предприятия. - М.: Финстатинформ, 1996.
8. Оценка городской недвижимости. А.В. Черняк. – М.: Русская Деловая Литература, 1996.

ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА

Ўқитувчининг Ф.И.Ш	кат. ўқит. Ихлосов И		
Модул номи:	Кўчмас мулк объектларини кадастр баҳосини аниқлашнинг замоновий усуллари		
Ажратилган вақт: 8 соат			
Модул бирликлари	Машғулот тури	Ажратил ган соат	Ўтказилиш муддати
Кўчмас мулк объектларини баҳолаш жараёни босқичлари. Кўчмас мулк объектларини баҳолаш усуллари.	Назарий	2 соат	Ойнинг 2-ҳафтаси
Бино ва иншоотлар тикланиш баҳоси яхлит кўрсатгичлари тўпламлари билан танишиш.	Амалий	2 соат	Ойнинг 3-ҳафтаси
Кўчмас мулк объектларининг тикланиш баҳосини ҳисоблаш жараёнлари билан танишиш.	Кўчма	2 соат	Ойнинг 3-ҳафтаси
Кўчмас мулк объектларини баҳолаш ва қайта баҳолаш норматив-хуқуқий асослари ўрганиш.	Мустакил	2 соат	Ойнинг 4-ҳафтаси
Жами:		8 соат	

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1- Мавзу.	Кўчмас мулк объектларини кадастр баҳосини аниқлашнинг замоновий усуллари
------------------	---

Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти - Ўқув машғулотининг шакли	2 соат Тингловчилар сони 15 - 20 нафар Ахборот маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Баҳолашга оид вазифани белгилаш ва баҳолаш обьектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш, ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш.</p> <p>2. Кўчмас мулкдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили.</p> <p>3. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш.</p> <p>4. Баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш обьектининг якуний қийматини аниқлаш.</p> <p>5. Кўчмас мулк обьектининг бозор (инвентаризация) қийматини ҳисоблаш.</p> <p>6. Баҳолаш тўғрисида ҳисобот тузиш</p>
Ўқув машғулотининг мақсади:	тингловчиларнинг Республикаизда кўчмас мулк обьектларини баҳолаш ва қайта баҳолаш бўйича билимларини ривожлантириш.
Педагогик вазифалар:	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>1. Кўчмас мулк обьектларини баҳолаш жараёни босқичлари билан таништириш.</p> <p>2. Кўчмас мулк обьектларини баҳолашнинг замоновий усуллари билан таништириш.</p> <p>3. Кўчмас мулк обьектларини баҳолаш ва қайта баҳолашга доир қабул қилинган янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан таништириш.</p> <p>4. Бино ва иншоотлар тикланиш баҳоси яхлит кўрсатгичлари тўпламлари билан ишлаш тартибини ўргатиш.</p> <p>5. Кўчмас мулк обьектларининг тикланиш баҳосини ҳисоблаш ҳақида билимларни ривожлантириш.</p>
Ўқитшии усуллари	Ахборот маъруза , Б.Б. методи, сухбат.
Ўқитшии воситалари	Маърузалар матни, проектор, плакатлар, доска, бўр, тарқатмалар.
Ўқитшии шакли	Жамоа, гурӯҳ бўлиб ишлаш.
Ўқитшии шарт-шароити	Жиҳозланган аудитория.

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишида фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-босқич Кириш (10 дақиқа)	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қиласи. Машғулот мақсади, режаси ва кутилаётган натижалар билан таништиради. (1-илова)</p> <p>2.2. Адабиётлар рўйхати билан таништиради.(2-илова)</p> <p>2.2. Гурухга мавзуга оид жонлантирувчи саволлар билан мурожаат қиласи. (3-илова).</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p>
3- босқич. Асосий (60 дақиқа)	<p>3.1. Тингловчиларнинг бирламчи билимларини аниқлаш мақсадида Б-Б-Б методидан фойдаланади (4-илова). Доскага Б-Б-Б жадвалини чизиб, жадвалнинг 1-устунига асосий таянч сўз иборалар ёзиб чиқиласи. Тингловчилардан жадвалнинг 2-3-устунларини тўлдиришлари сўралади.</p> <p>3.2. Тингловчилар кўпроқ билишни хоҳлайдиган ибора тушунчаларга эътибор қаратиб, визуал материалдан фойдаланган ҳолда маърузани режа асосида баён этади. (5-илова)</p> <p>3.3. “Кўчмас мулк объектларини кадастр баҳосини аниқлашнинг замоновий усуллари” ҳақидаги маълумотларни беришда сухбат методидан фойдаланади.</p> <p>3.4. Берилган фикрларни умумлаштиради ва аниқликлар киритади.</p>	<p>3.1. Б-Б-Б методининг ўtkазилиш тартиби билан танишадилар. Берилган жадвалнинг 2-3 устунларини тўлдирадилар.</p> <p>3.2. Тинглайдилар, кўрадилар, ёзиб оладилар.</p> <p>3.3. Мавзуга оид фикр-мулоҳазаларни берадилар. Янги маълумотларни тинглайдилар. Билиб олганлари асосида жадвалнинг 4-устунини тўлдирадилар.</p> <p>3.4. Тинглайдилар.</p>
4- босқич. Якуний (10 дақиқа)	<p>4.1. Берилган маълумотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради.</p> <p>4.2. Машғулотни якунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>

МАВЗУ: Кўчмас мулк объектларини кадастр баҳосини аниқлашнинг замоновий усуллари

МАҚСАД: *Республикамида кўчмас мулк объектларини баҳолаши ва қайта баҳолаши бўйича билимларини ривожлантириши.*

РЕЖА:

1. Баҳолашга оид вазифани белгилаши ва баҳолаш обьектини баҳолаши тўғрисида шартнома тузиш, ахборот йигини ва уни таҳлил қилиши
2. Кўчмас мулкдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишининг таҳлили
3. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш.
4. Баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириши ва баҳолаш обьектининг якуний қийматини аниқлаш.
5. Кўчмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қийматини ҳисоблаш.
6. Баҳолаш тўғрисида ҳисобот тузиш

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н., Хадиев Б.Ю. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Академиги Ғуломов С.С. таҳрири остида. “Кўчмас мулкни баҳолаш”. Тошкент: “Фан”. – 231 б.
2. А.Н. Асаул. Экономика недвижимости. М «ПИТЕР» 2004 г.
3. Горемыкин В.А. “Экономика недвижимости”. – М.: Маркетинг, 2002.
4. Григорьев В.В., Островкин И.М. “Оценка предприятий. Имущественный подход”. Учебно-практическое пособие.- М.: Дело, 1998.
5. Григорьев В.В., Федотова М.А. Оценка предприятий: теория и практика. Под ред. В.В.Григорьева.- М.: Инфра - М, 1997.

3-илова

Мавзуга оид жонлантирувчи саволлар

- 1. Солиқ солиш учун баҳолаш объектларига қайси объектлар киради ?**
- 2. Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган уйжойлар, квартиralар қайси функционал қўрсаткичдан келиб чиққан ҳолда баҳоланади?**
- 3. Бинонинг жисмоний эскириши деганда нимани тушунасиз ?**
- 4. Баҳолаш объектини техник таърифлашда нималарга этибор берилади ?**
- 5. Тикланиш қиймати нима ?**
- 6. Ўрнига белгилаш қиймати нима ?**
- 7. Жорий қиймат нима ?**

4-илова

Б.Б.Б методини мавзуга қўлланилиши.

Ушбу метод таълим олувчиларни бирламчи билаймларини аниқлаш ва фаоллаштириш мақсадида ишлатилади. Методнинг мавзуга қўлланилиши. Мавзу буйича иборалар тушунчалар ёзилади, таълим олувчилар берилган ибораларга белгилар қўйиб чиқади. Таълим берувчи мавзу бўйича таълим олувчилар қандай билимга эгалигини ҳамда фаоллигини таъминлагандан кейин мавзу буйича маълумотлар беради.

Мавзу буйича бериладиган асосий сўз ва иборалар	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
Бозор баҳоси			
Истемол (фойдаланиш) баҳоси			
Инвестиция баҳоси			
Тикланиш баҳоси			
Алмаштириш баҳоси			
Гаравга қўйиш баҳоси			
Суғурта баҳоси			
Тугатиш баҳоси			

5-илова

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-слайд

**ТУРАР УЙ ЖОЙЛАРНИНГ ИНВЕНТАР
ҚИЙМАТИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ АМАЛДАГИ
ТАРТИБИ**

ЯККА ТАРТИБДА ҚУРИЛГАН УЙ ЖОЙЛАР

Конструктив элементлари материаларини таърифлаш

**Конструктив элементларнинг жисмоний эскириш
фойизини аниқлаш**

Қурилиш майдони ва хажмини ҳисоблаш

Хоналарнинг умумий майдонини ҳисоблаш

**Девор материали ва қурилиш хажмидан келиб чиқсан
холда тикланиш қиймати яхлит кўрсатгичлари
тўпламларидан жадвални танлаш**

**Умумий майдоннинг бир кв.метр баҳосини тузатиш
коэффициентларини қўллаш орқали тўғирлаш**

Уй-жойнинг бутун инвентар қийматини аниқлаш

**Инвентар қийматини жисмоний эскириш фойизига
камайтириш**

Кўп қаватли уйлардаги квартиralар

Кўп қаватли уйларни ўлчаш ишлари

Конструктив элементлари материалларини
таърифлаш

Конструктив элементлари материалларини
таърифлаш


Қурилиш майдони ва хажмини ҳисоблаш

Кавватлар сони, девор, том материали ва қурилиш
хажмидан келиб чиққан ҳолда тикланиш қиймати
яхлит қўрсатгичлари Тўпламларидан жадвални
танлаш

Умумий майдоннинг бир кв.метр баҳосини
тузатиш коэффициентларини қўллаш орқали
тўғрилаш

Кўп квартирали уйнинг умумий инвентар
қийматини аниқлаш

Ҳар бир квартиранинг умумий майдонидан келиб
чиққан ҳолда унинг инвентар қийматини аниқлаш



Кўчмас мулк объектларини баҳолаш жараёни босқичлари.

1-Босқич. Топшириқни аниқлаш

- ◆ Баҳолаш мақсади
- ◆ Баҳо тури
- ◆ Баҳолаш кунни
- ◆ Мулк хукуки
- ◆ Кўчмас мулкни юридик таърифлаш
- ◆ Чеклав шартлари

2-Босқич. Объект билан танишиш ва режа тузиш

- ◆ Маълумотларни олиш манбалари
- ◆ Ишни бажариш учун мутахассислар таркибини аниқлаш
- ◆ Иш режасини тузиш
- ◆ Ишни бажариш календар режасини тузиш

3-Босқич. Ишнинг нархини аниқлаш ва шартнома тузиш

- ◆ Жалб қилинадиган мутахассисларнинг оладиган ҳақини аниқлаш
- ◆ Аҳборотларнинг бозор баҳосини аниқлаш
- ◆ Иш нархини белгилаш ва шартномани имзолаш

4-Босқич. Маълумотларни тўплаш ва текшириш

Умумий маълумотлар

- ◆ Иктисолид
- ◆ Ҳудудий

Махсус маълумотлар

- ◆ Ҳудудларни зоналарга бўлиш қоидалари
- ◆ Сотилаётган объектлар тўғрисидаги маълумотларни солиштириш

5-Босқич. Энг самарали ва энг яхшиларидан фойдаланишни таҳлил қилиш

6-Босқич. Кўчмас мулкни баҳолаш

7-Босқич. Баҳолашда учта ёндашувни қўллаш

Харажатлар усули

Фойда усули

Солиштириш усули

8-Босқич. Натижаларни келишиш 9-Босқич. Баҳоли ҳисоботни тузиш

2- Мавзу.	Бино ва иншоотлар тикланиш баҳоси яхлит кўрсатгичлари тўпламлари билан танишиш
------------------	---

Амалий машғулот таълим технологияси модели

Вакти – 2 соат Машгулот шакли –	Тингловчилар сони 15-20 нафар Амалий машғулот
Ўқув машгулотининг режаси	1. Нотурар бино ва иншоотларни тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган тўпламлари билан танишиш. 2. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлар ва посёлкаларидағи кўп квартирали турар уй-жойларнинг тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлаштирилган тўплами билан танишиш. I ва II Китоб.
Ўқув машгулотининг мақсади:	Бино ва иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган тўпламлари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
1. Нотурар бино ва иншоотларни тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган тўпламлари билан таништириш. (Тошкент, Ўзгеодезкадастр, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, 1999-2008 йиллар) 2. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлар ва посёлкаларидағи кўп квартирали турар уй-жойларнинг тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлаштирилган тўплами билан танишиш. I ва II Китоб. (ГККЙМҚ-18-076-03, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 2003 й.) .	1. Нотурар бино ва иншоотларни тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган тўпламлари билан танишади, ўрганади ва таҳлил қиласидилар. 2. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлар ва посёлкаларидағи кўп квартирали турар уй-жойларнинг тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлаштирилган тўплами билан танишадилар, таҳлил қиласидилар ва улардан фойдалана олиш кўникмаларини шакллантирадилар.
Ўқитиш воситалари	Бино ва иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган тўпламлар наъмуналари, компьютер, проектор, тарқатма материаллар, доска
Ўқитиш усуллари	Давра-суҳбати, амалий иш.
Ўқитиш шакллари	Жамоада ишлаш
Ўқитиш шароити	компьютер, проектор билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров, рағбатлантириш

Амалий машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчининг	Тингловчиларнинг
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Амалий машғулот учун амалий топшириқлар тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган қонун ва қонун ости ҳужжатлари рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-босқич Кириш (10 дақиқа)	<p>2.1. Ўқув машғулоти мавзу номи, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қиласди, унинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. (1-илова)</p> <p>2.2. Ўқув машғулоти мавзу режаси, фойдаланилган адабиётлар билан таниширади. (2-илова)</p> <p>2.3. Машғулот дарв сухбати шаклида ўтказилиши кўзда тутилганлигини билдиради.(3-илова)</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p> <p>Бахс-мунозара учун тайёрланадилар.</p>
3 -босқич. Асосий бўлим (60 дақиқа)	<p>3.1. Нотурар бино ва иншоотлар ҳамда кўп квартирали турар уй-жойларнинг тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлаштирилган тўплами билан танишириш ва улар билан ишлаш тартиби ҳақида қисқа маълумот бериш орқали мустаҳкамлайди. (4-илова)</p> <p>3.2. Мавзу мазмунининг муҳокамасини давра сухбати орқали давом эттиришни гурухга эълон қиласди ва сухбат учун танланган мавзуни эълон қиласди.</p> <p>3.3. Меъёрий ҳужжатларни гурух аъзолари билан биргаликда таҳлил қиласди, берилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштиради, ҳужжатлардан фойдаланишда эътибор берилиши керак бўлган жиҳатлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади.</p> <p>3.4. Мавзуни мустаҳкамлашга оид саволлар билан мурожаат қиласди. Якуний хуносаларни беради.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, томоша қиласдилар ва дафтарга ёзиб оладилар</p> <p>3.2. Давра столи атрофида тўпланадилар. Сухбат учун танланган мавзу билан танишадилар.</p> <p>3.3. Меъёрий ҳужжатларни ўқиб ўрганадилар, таҳлил қиласдилар ва фойдаланиш усуларини ўрганадилар.</p> <p>3.4. Саволларга жавоб берадилар. Якуний хуносани тинглайдилар.</p>
4-босқич. Якунловчи (10 дақиқа)	<p>4.1. Берилган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлади. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни якунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>

1-илова

**МАВЗУ: Бино ва инишоотлар тикланиши баҳоси яхлит
кўрсатгичлари тўпламлари билан танишиши**

**МАҚСАД: Бино ва инишоотларни баҳолаши ва қайта
баҳолаши нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган
тўпламлари билан ишилаши кўникмаларини
ривожлантириши.**

РЕЖА:

1. Нотурар бино ва инишоотларни тиклаши нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган тўпламлари билан танишиши.
2. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлар ва посёлкаларидаги кўп квартирали турар уй-жойларининг тиклаши нарх кўрсаткичларининг яхлитлаштирилган тўплами билан танишиши. I ва II Китоб.

2-илова**ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н., Хадиев Б.Ю. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Академиги Ғуломов С.С. таҳрири остида. “Кўчмас мулкни баҳолаш”. Тошкент: “Фан”. – 231 б.
2. А.Н. Асаул. Экономика недвижимости. М «ПИТЕР» 2004 г.
3. Горемыкин В.А. “Экономика недвижимости”. – М.: Маркетинг, 2002.
4. Григорьев В.В., Островкин И.М. “Оценка предприятий. Имущественный подход”. Учебно-практическое пособие.- М.: Дело, 1998.
5. Григорьев В.В., Федотова М.А. Оценка предприятий: теория и практика. Под ред. В.В.Григорьева.- М.: Инфра - М, 1997.

3-илова

ДАВРА СУҲБАТИ

Бу айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши орқали олиб бориладиган ўқитиш усулидир.

Бунда стол, стулларни айлана шаклида жойлаштириши керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг кўз алоқасини ўрнатиб туришга ёрдам беради. Давра сұхбатида таълим берувчи мавзуни бошлиб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиларини сўрайди. Ушбу усул орқали таълим оловчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар.

СУҲБАТ УЧУН ТАНЛАНГАН МАВЗУ

*Кўчмас мулк давлат
кадастрини яратиши ва юритишида
қабул қилинган норматив-хуқуқий
хужжатларининг жойларда ижро
этимиши ҳақида фикр-мсуюҳаза
билдиринг.*

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-слайд

**Тошкент шаҳридаги объектлар учун қўлланадиган
коэффициентлар**

Кадастр зонаси рақами	Коэффициентлар
1-зона	0,68
2-зона	0,75
3-зона	0,81
4-зона	0,9
5-зона	0,935
6-зона	1
7-зона	1,03
8-зона	1,047
9-зона	1,052
10-зона	1,057
11-зона	1,06
12-зона	1,062
13-зона	1,08
14-зона	1,1

2-слайд

БОШҚА ШАҲАРЧАЛАР

Андижон вилояти	0,595	0,483
Бухоро вилояти	0,568	0,465
Жиззах вилояти	0,542	0,438
Қашқадарё вилояти	0,633	0,535
Навоий вилояти	0,568	0,465
Наманган вилояти	0,595	0,483
Самарқанд вилояти	0,595	0,483
Сурхондарё вилояти	0,645	0,542
Тошкент вилояти	0,595	0,483
Фарғона вилояти	0,568	0,465
Хоразм вилояти	0,568	0,465

3-слайд

Вилоятлардаги объектлар учун қўлланадиган
коэффицентлар

Шаҳар, вилоят	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
Оқтош	0,595	0,483	0,438	
Олмалиқ	0,849	0,763	0,645	0,595
Ангрен	0,849	0,763	0,645	0,595
Андижон	1,000	0,946	0,866	0,823
Асака	0,595	0,483	0,405	
Охангарон	0,595	0,483	0,438	
Бекобод	0,668	0,561	0,483	
Беруний	0,645	0,542	0,465	
Бухоро	0,823	0,746	0,633	0,561
Ғиждувон	0,561	0,489	0,405	
Гулистон	0,645	0,542	0,438	
Денов	0,712	0,595	0,535	
Жиззах	0,823	0,746	0,633	0,561
Питнак	0,561	0,483	0,405	
Зарафшон	0,595	0,483	0,438	
Коғон	0,561	0,483	0,405	
Қорасув	0,595	0,483	0,405	
Қарши	0,771	0,746	0,633	0,542
Косонсой	0,561	0,483	0,405	
Каттақўргон	0,668	0,561	0,483	
Қўқон	0,823	0,746	0,633	0,561
Қува	0,595	0,483	0,405	
Қувасой	0,595	0,483	0,405	
Қўнғирот	0,595	0,483	0,405	
Марғилон	0,645	0,542	0,465	
Навоий	0,823	0,746	0,633	0,561
Наманган	1,000	0,922	0,866	0,823
Нукус	0,823	0,746	0,633	0,561
Самарқанд	1,000	0,946	0,905	0,823
Сирдарё	0,561	0,483	0,379	
Тахиатош	0,668	0,561	0,483	

Туман марказлари ҳисобланадиган шаҳарчалар
ва қишлоқ ахоли пунктлари

Қорақалпоғистон Республикаси:		
шымолий зонаси	0,379	0,312
марказий зонаси	0,410	0,350
жанубий зонаси	0,465	0,379
Андижон вилояти	0,489	0,410
Бухоро вилояти	0,465	0,410
Жиззах вилояти	0,438	0,379
Қашқадарё вилояти	0,516	0,438
Навоий вилояти	0,465	0,379
Наманган вилояти	0,489	0,410
Самарқанд вилояти	0,489	0,438
Сурхондарё вилояти	0,542	0,465
Сирдарё вилояти	0,465	0,379
Тошкент вилояти	0,489	0,438
Фарғона вилояти	0,465	0,410
Хоразм вилояти	0,465	0,410

З-МАШГУЛОТ

МАВЗУ: Кўчмас мулк объектларининг тикланиши
баҳосини ҳисоблаш жараёнлари билан танишиши

МАШГУЛОТ ШАКЛИ: Кўчма машғулот

МАҚСАД: Ўзбекистон Республикасида мулк қийматини
баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий асослари, мулкни
баҳолашни техник ва услубий жараёнлари билан
таништириш.

**КЎЧМА МАШГУЛОТ ЎТКАЗИШ УЧУН ТАНЛАНГАН
ОБЪЕКТ**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА ДАВЛАТ
КАДАСТР БОШҚАРМАСИ**

МАЪРУЗА МАТНИ

МАВЗУ. КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ЖАРАЁНИ БОСҚИЧЛАРИ. КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

РЕЖА:

- 1. Баҳолашга оид вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш.**
- 2. Ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш.**
- 3. Кўчмас мулқдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили.**
- 4. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш.**
- 5. Баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш.**
- 6. Кўчмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қийматини ҳисоблаш**
- 7. Баҳолаш тўғрисида ҳисобот тузиш.**

Таянч сўз ва иборалар: кадастр, солиқ, баҳолаш, объект, шартнома, буюртмачи, зона, риквизит, географик жойлашган ери, жамланган эскириши, солиштириши элеменитлари ва бирликлари, иқтисодий зона.

1. Баҳолашга оид вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш.

Баҳолаш тўғрисидаги вазифа буюртмачи томонидан баҳоловчи ташкилот билан биргаликда аниқланади ва тузилади. Баҳолаш тўғрисидаги вазифа баҳолаш объектини баҳолашнинг асосий шартларини, шунингдек баҳолашдан ўтказишнинг чекловчи шартларини ўз ичига олади.

Баҳолашга оид вазифа буюртмачи томонидан баҳоловчи ташкилот билан ҳамкорликда тузилади ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномага илова сифатида расмийлаштирилади.

Баҳолашга оид вазифада қўйидагилар кўрсатилиши лозим:
баҳолаш объектининг тавсифи;
баҳолаш санаси;
баҳолаш мақсади (мақсадлари) ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мўлжали;

баҳолаш мақсадига мувофиқ бўлган қиймат тури;
фаразлар ва чекловчи шартлар;
буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этиши лозим бўлган бошланғич ахборот рўйхати;
баҳолаш ишларини бажариш муддатлари.

Баҳолаш мақсадига ва баҳолаш объектининг хусусиятларига қараб баҳолашга оид вазифа қўшимча шартларни ўз ичига олиши мумкин.

Баҳолаш объектининг тавсифи қуидагиларни ўз ичига олиши лозим:
баҳолаш объектининг номини;
баҳолаш объектининг манзили (жойлашган ери)ни;
баҳоланаётган кўчмас мулк таркиби ҳақидаги унинг ҳар бир таркибий қисмини идентификация қилиш учун етарли бўлган ахборот қўрсатилган маълумотларни;

баҳоланаётган кўчмас мулкка бўлган мулкий хукуқлар, шунингдек мазкур хукуқларга доир чеклашлар ва уларга бошқа шахслар хукуқларининг юкланиши ҳақидаги маълумотларни.

Баҳолаш объектига нисбатан учинчи шахсларнинг мулкий хукуқларини, мазкур объектдан фойдаланишдаги чеклашларни ва унга бошқа шахслар хукуқларининг юкланишини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, унинг қийматини баҳолаш, агар баҳолашга оид вазифада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, баҳоловчи томонидан қўрсатилган хукуқлар, чеклашлар ва бошқа шахслар хукуқларининг юкланиши йўқлиги ҳақидаги фараздан келиб чиқиб амалга оширилади.

Баҳолаш мақсади сифатида баҳолаш натижаларидан ёки баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланишнинг буюртмачи томонидан мўлжаланаётган усули кўрсатилади.

Кўчмас мулк қийматини баҳолашда баҳолаш объектининг бозор қиймати аниқланиши лозим, агар баҳолаш объектини баҳолашда қўлланилаётган норматив-хукуқий ҳужжатда ёки баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномада ўзгача тартиб ўрнатилган бўлмаса. Бозор қийматидан бошқача қиймат аниқланиши лозим бўлган ҳолатларда қўлланиш сабаблари ҳамда аниқланаётган қиймат ва бозор қиймати ўртасидаги фарқлар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баён этилиши ва ёритиб берилиши лозим.

Баҳолаш объектининг бозор қиймати олди-сотди битимини тузиш харажатлари ва битим билан боғлиқ бўлган солиқларни ҳисобга олмасдан аниқланади.

Баҳолаш тұғрисидаги вазифа қуйидаги шаклда тузилади:

Баҳолаш обьекти (номи ва қисқача тавсифи)	
Баҳолаш обьектининг географик жойлашган ери	
Баҳолаш обьектининг иқтисодий зонаси	
Буюртмачи ва унинг реквизитлари	
Баҳоловчи ташкилот ва унинг реквизитлари	
Баҳолашдан ўтказиш учун асос	
Баҳолаш обьектининг асосий конструктив элементлари	
Баҳолашнинг мақсади ва вазифалари (баҳолашни тайинлаш)	
Аникланыптырылған қыймат түри	
Эхтимоллар ва чекловчи шартлар (мавжуд бўлганда)	
Баҳолаш санаси	
Баҳолашдан ўтказиш жадвали (муддатлари)	
Буюртмачига баҳолаш тұғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш санаси	
Дастлабки хужжатлар түплами	

Баҳолаш обьектининг хусусиятларига ҳамда буюртмачининг талабларига қараб баҳолаш тұғрисидаги вазифа қўшимча шартларга эга бўлиши мумкин.

Баҳолаш тұғрисидаги вазифа буюртмачи ва баҳоловчи ташкилот раҳбари томонидан имзоланади, тарафларнинг муҳри билан тасдиқланади ва баҳолаш обьектини баҳолаш тұғрисидаги шартномага илова тариқасида расмийлаштирилади.

2. Ахборот йиғишиң ва уни таҳлил қилиши

Ахборотни йиғишиң қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- зарур маълумотлар таркиби аникланади;
- ахборот манбалари рўйхати шакллантирилади;
- зарур ахборотни йиғиши амалга оширилади;
- йиғилган ахборот тизимланади, қайта ишланади ва таҳлил қилинади;

- барча йиғилган ахборот мазмуни баҳолаш тўғрисидаги хисоботда тавсифланади.

Баҳоловчи баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни йиғишни амалга оширади, кўчмас мулк обьектининг микдор ва сифат кўрсаткичларини ўрганади, баҳолаш обьектининг қийматини аниқлаш учун муҳим бўлган ахборотни, шу жумладан:

- географик жойлашган ери ва иқтисодий зонаси тўғрисидаги ахборот;
- кўчмас мулк обьекти тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, фойдаланиш тури (туар жой/нотураржой бўлган кўчмас мулк) ҳақидаги маълумотлар, обьектдан жорий фойдаланиш ҳақидаги, обьектнинг жисмоний хусусиятлари, унинг техник ва фойдаланишга оид тавсифлари, қурилган йили, қаватлари, ер участкаси (ер участкаси мавжуд бўлганда), қадрсизланиши ва эскириши ҳақидаги ахборот;
- баҳолаш обьекти мансуб бўлган бозордаги талаб ва таклиф тўғрисидаги ахборот;
- баҳоланаётган обьект (унинг аналоглари)га доир битимлар ҳақидаги ахборотни баҳолашни ўтказишида қўлланилиши лозим бўлган ёндашувлар ва усуллар ёрдамида таҳлил қилишни амалга оширади.

Буюртмачи томонидан тақдим қилинадиган дастлабки ахборотга 12-МБМСда кўрсатилган маълумотлар киритилади. Баҳоловчи ташкилотнинг сўрови бўйича буюртмачи томонидан баҳолаш учун зарур бўлган бошқа ахборот тақдим қилинади.

Баҳоловчи йиғилган (буюртмачидан олинган) дастлабки ахборотга эга бўлган ҳолда буюртмачининг вакили билан тақдим қилинган ҳужжатлар таҳлил қилинишини амалга оширади.

Баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган ахборот турлича шарҳланадиган бўлиши мумкин эмас, баҳоловчига энг муҳим нархни шакллантирувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш обьектининг базавий қиймати тўғрисида асосли хулоса қилиш имкониятини таъминлаши лозим.

Баҳоловчи ҳужжатларни ўрганиш мобайнида буюртмачининг вакили билан биргаликда обьектларни танлов асосида саралаш орқали баҳоланаётган кўчмас мулк обьектларининг кўздан кечирилишини амалга оширишга ҳақли.

Баҳоловчининг сўрови бўйича ҳужжатларни тақдим қилган шахс томонидан тегишли маълумотларга қўшимча маълумотномалар кўринишида аниқликлар (изоҳлар) расмийлаштирилади.

Баҳоловчи ахборотнинг етарли ва ишончли эканлигини бунинг учун ўзида мавжуд воситалар ва усуллардан фойдаланган ҳолда таҳлилдан ўтказиши лозим.

Тўпланган ахборотни, агарда қўшимча ахборотдан фойдаланиш баҳолаш обьекти қийматининг базавий микдорининг жиддий ўзгаришига олиб келмаса, баҳолаш мақсадлари учун етарли деб ҳисоблаш мумкин. Ахборот етишмовчилиги баҳолаш обьекти қийматини баҳолашнинг яқуний натижасига таъсир қилган тақдирда, бу холат баҳолаш тўғрисидаги ҳисботда акс эттирилиши лозим.

Баҳолаш жараёнида бевосита фойдаланиладиган ахборотдан ташқари, шунингдек баҳолаш обьекти мансуб бўлган кўчмас мулк бозорига оид ахборотни тўплаш амалга оширилади. Кўчмас мулк бозори сегменти тўғрисидаги ахборот баҳолаш обьектини таҳлил қилишнинг бошқа кўрсаткичлари билан бир қаторда баҳолаш тўғрисидаги ҳисботда келтирилади.

Тегишли ахборотни ўрганиш давомида баҳоловчи ёки буюртмачига айрим баҳолаш обьектларининг бирор-бир авариявий ҳолати аломатлари маълум бўлиб қолган ҳолларда, бундай ахборот баҳолаш тўғрисидаги ҳисботда акс эттирилиши лозим.

3. Кўчмас мулқдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили.

Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили кўчмас мулк бозор қийматини аниқлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва баҳолаш обьектидан фойдаланишнинг унинг энг катта қийматини таъминлайдиган, юридик жиҳатдан йўл қўйиладиган, физик жиҳатдан амалга ошириш мумкин бўлган ва молиявий жиҳатдан ўзини оқлайдиган вариантини танлашдан иборатdir.

Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлилини амалга ошириш чегараси ва кўриб чиқилиши лозим бўлган муқобил фойдаланиш вариантлари сони баҳолашга оид вазифа шартлари ва баҳолаш обьектининг хусусиятларига қараб белгиланади.

Баҳолаш обьектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили баҳоловчи томонидан икки босқичда амалга оширилади:

бўш турган (яхшиланмаган) деб қараладиган ер участкаси учун;
яхшилашлар мавжуд бўлган ер участкаси учун.

Яхшилашлар мавжуд бўлган ер участкасидан фойдаланиш унинг бозор қиймати бўш турган ер участканинг қийматидан ортиқ бўлган тақдирда энг самарали деб эътироф этилади.

Баҳолаш обьекти бозор қийматининг олинган микдори ер участкасидан фойдаланиш вариантларининг қайси бирига мувофиқ эканлиги баҳолаш тўғрисидаги ҳисботда кўрсатилиши лозим.

4. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш.

Ялпи баҳолашдан ўтказиш жараёни ва кўчмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қийматини хисоблаш икки босқичда амалга оширилади:

баҳолаш объектининг базавий қийматини аниқлаш - баҳоловчи ташкилотлар томонидан 12-МБМСга ва ушбу услубий кўрсатмаларга мувофиқ баҳолашнинг тегишли ёндашувлари ва усулларини қўллаш орқали амалга оширилади;

кўчмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қийматини хисоблаш - кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини амалга оширувчи органлар томонидан баҳолаш объектининг базавий қийматига нисбатан нархни шакллантирувчи коэффициентларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Кўчмас мулк обьекти умумий майдонининг 1 квадрат метри бозор қийматини ялпи баҳолаш усуллари билан баҳолаш қиёсий ва харажат ёндашувларини қўллаш ёрдамида амалга оширилади.

4.1. Қиёсий ёндашув

Кўчмас мулк объектларини ялпи баҳолашда қиёсий ёндашув ўртacha қиймат усули билан амалга оширилади.

Ушбу ёндашувни қўллаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

кўчмас мулк бозорини ўрганиш ва аналогларни сотиш бўйича битимлар ёки таклифлар тўғрисидаги ахборотни йифиш;

солишириш элементларини танлаш ва асослаш;

баҳолаш обьекти учун хос бўлган солишириш бирликларини аниқлаш;

таққосланаётган аналоглар билан баҳолаш объектини солишириш бирлиги бўйича солишириш ва зарур бўлганда, баҳолаш объектига нисбатан ҳар бир аналог объектнинг нархига тузатишлар киритиш;

ер участкасига бўлган ҳукуқлар қийматини хисоблаш (ер участкаси мавжуд бўлганда);

аналоглар нархларининг тузатилган қийматларини ягона қийматга келтириш.

Баҳоловчи томонидан аналогларни сотиш бўйича битимлар ва/ёки таклифлар тўғрисидаги ахборотни йифиш буюртмачи томонидан белгиланган ва баҳолаш тўғрисидаги вазифада кўрсатилган ҳудудий (минтақа, шаҳар, туман, шаҳарча, қишлоқ ва ҳоказо) зона доирасида амалга оширилади.

Агарда баҳолаш тўғрисидаги вазифада маъмурий жиҳатдан бўлиниши мумкинлигини назарда тутадиган ҳудудий зона кўрсатилган бўлса, ахборотни йифишида баҳоловчи маъмурий жиҳатдан бўлинмайдиган ҳудудлар даражасидаги (шаҳарлар, туманлар, шаҳарчалар ва ҳоказо) аналогларни

баҳолаш тўғрисидаги вазифада кўрсатилган зона доирасида саралаб олишни амалга оширади.

Солишириш элементлари сифатида қўйидагилар орасидан фақат нархни шакллантирувчи ва аналоглар нархига таъсир кўрсата оловчи ҳисобланадиганлари қабул қилинади:

- географик жойлашган ери (маъмурий туман);
- иқтисодий зонаси;
- ҳажмли-режалаштиришга оид ва конструктив тавсифлар;
- қаватлик;
- курилган йили (капитал реконструкция);
- ер участкасининг тавсифлари (ер участкаси мавжуд бўлганда).

Ушбу усул билан баҳолашдан ўтказишда баҳоловчи баҳолаш обьектининг якуний қийматига таъсир кўрсатувчи солиширишнинг бошқа элементларини ҳам кўриб чиқиши мумкин. Баҳоловчи буни баҳолаш тўғрисидаги ҳисботда акс эттириши ва баҳолаш обьектининг базавий қийматини аниқлашда инобатга олиши лозим.

Ўртacha қабул қилинган қиймат усулини қўллашда аналогларнинг энг кам сони баҳолаш обьектининг географик жойлашган ерига қараб турли бирликлардан иборат бўлади. Сотув ва/ёки таклиф нархлари тўғрисидаги ахборотнинг энг кам ҳажми аналоглар бўйича жойлашган ерига қараб қўйидаги тартибда тақсимланади:

агар баҳолаш обьекти қишлоқ жойида, тоғли туманларда, бошқа узоқ ва боришин қийин бўлган туманларда жойлашган бўлса (шу жумладан, ҳар хил турдаги шаҳарчалар) - камида 4 та аналоглар;

агар баҳолаш обьекти туман марказида ёки туманга бўйсунадиган шаҳарда жойлашган бўлса - камида 6 та аналоглар;

агар баҳолаш обьекти вилоят марказида ёки вилоятга бўйсунадиган шаҳарда жойлашган бўлса - камида 8 та аналоглар;

агар баҳолаш обьекти Тошкент шаҳрида жойлашган бўлса - камида 10 та аналоглар.

Ялпи баҳолаш стандарт ва бут ҳолатда бўлган баҳолаш обьектларининг базавий қийматини аниқлашни назарда тутади. Шу муносабат билан аналогларни стандарт ҳолатлардан четга чиқсан ҳолда танлаш ҳолларида (масалан, кўчмас мулк таркибида қўшимча ускуна мавжудлиги ёки қўшимча қурилишларнинг мавжудлиги, намунавий планировкаларидағи ўзгаришлар ва ҳ.к.) баҳоловчи аналоглар бўйича битимлар ва/ёки таклифларнинг нархларига тегишли тузатишлар киритиши лозим.

Тузатишлар фоиз ва қиймат ўлчамлари кўринишида киритилади.

Фоизли тузатишлар аналогнинг сотув (ёки таклиф) нархини аналог ва баҳолаш обьектининг тавсифларидағи тафовутлар даражасини акс эттирувчи тузатув коэффициентига кўпайтириш йўли билан киритилади.

Қийматли тузатишлар аналогнинг сотув (ёки таклиф) нархини аналог ва баҳолаш обьектининг тавсифларидағи тафовутлари баҳоланаётган муайян суммага ўзгартириш йўли билан киритилади. Қийматли тузатишлар солишириш бирлиги нархига ёки аналогнинг яхлит нархига киритилади.

Солиширилаётган обьектларнинг тузатилган сотув нархлари якуний қиймати бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Шу сабабли, тузатилган сотув нархини танлаш тузатишлар қиймати ёки миқдори энг кам бўлган аналогнинг (аналогларнинг) тузатилган нархидан фойдаланишга асосланади.

Тузатишлар ҳар бир солишириш элементи бўйича аналог нархининг олдинги тузатилган қийматига нисбатан алоҳида киритилади. Бунда фоизли тузатишлар биринчи бўлиб, кейин эса қийматли тузатишлар киритилади.

Кўчмас мулк обьектларини ялпи баҳолашда аналог ва баҳолаш обьекти учун солишириш бирлиги сифатида кўчмас мулкнинг 1 квадрат метридан фойдаланилади.

Кўчмас мулкнинг 1 квадрат метридан фарқ қиласидан аналог обьектларнинг сотув ва/ёки таклиф нархлари бўйича солишириш бирликлари (объект, уй, квартира, хона учун нарх, 1 куб метр учун ва ҳ.к.) тегишлича қайта ўзгартирилиши лозим.

Аналоглар нархларига тузатишлар киритилиши якунлари бўйича ҳар бир аналог бўйича солишириш бирлигининг тузатилган нархи аниқланади ва барча олинган (тузатилган) натижалар ягона қиймат баҳосига келтирилади.

Ер участкасидан фойдаланиш хукуқлари қиймати капитализация ставкаси баҳолаш санасида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг $1/4$ га баробар бўлганда тегишли ер солиги ставкасини капиталлаштириш йўли билан аниқланади.

Кейинчалик ер участкасидан фойдаланиш хукуқларининг ҳисобланган қиймати, мулкдор томонидан аналогнинг нархи ер участкасидан фойдаланиш хукуқларини инобатга олган ҳолда белгиланиши шарти билан, аналог обьектларнинг нархи ва/ёки таклифидан айирилади.

Аналогларнинг тузатилган нархлари қийматини ва 1 кв.м нинг базавий қийматини ягона бирликдаги қийматга келтириш сотув ёки таклиф нархларига нисбатан уларга киритилган тузатишларнинг миқдорини инобатга олган ҳолда солиширмада ўлчовларни бериш йўли билан амалга оширилади.

4.2. Харажат ёндашуви

Солиқ солиш мақсадида баҳолаш объектларини ялпи баҳолашда харажат ёндашуви базавий-индекс усулини қўллаш воситасида амалга оширилади.

Базавий-индекс усулини қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар тартибига риоя қилиш зарур.

Кўчмас мулк обьектининг тикланиш қиймати кўчмас мулк тикланиш қийматининг йириклиштирилган кўрсаткичларига асосан аниқланади.

Намунавий қурилишдаги обьектларнинг тикланиш қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича қурилиш қиймати тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳам аниқланиши мумкин.

Кўчмас мулк обьектининг тикланиш қиймати йириклиштирилган кўрсаткичлар асосида қуйидаги формуналарга мувофиқ аниқланади:

нотурар жой мақсадидаги кўчмас мулк учун:

Ст.қ. = $S * Cc.e. * K1 * K2 * K3 * \dots * Kn * I1 * I2 * I3 * \dots * In$,
бу ерда:

Ст.қ. - кўчмас мулк обьектининг тикланиш қиймати;

S - кўчмас мулк обьектини ўлчаш бирлиги (ҳажми, майдони, погон метри (узунаси) ва ҳ.к.);

$Cc.e.$ - тикланиш қийматининг йириклиштирилган кўрсаткичи;

$K1, K2, K3, \dots Kn$ - тузатув коэффициентлари (капиталлик гурухи, туманнинг сейсмиклик, худудий коэффициенти ва ҳ.к.);

$I1, I2, I3, \dots In$ - статистика органлари томонидан аниқланган қурилиш материаллари нархларининг қимматлашиш индекслари;

тураг жой мақсадидаги кўчмас мулк учун:

Ст.қ. = $V * Cc.e. * [(K1 + K2 + K3 + \dots + Kn) - (n - 1)] * I1 * I2 * I3 * \dots * In$,
бу ерда:

Ст.қ. - кўчмас мулк обьектининг амалдаги нархлардаги тикланиш қиймати;

V - баҳоланаётган обьектнинг куб.м даги ҳажми;

$Cc.e.$ - кўчмас мулк обьекти қийматининг 2011 йилдаги нархлар асосидаги йириклиштирилган кўрсаткичи;

$K1, K2, K3, \dots Kn$ - тузатув коэффициентлари (капиталлик гурухи, туманнинг сейсмиклик, худудий коэффициенти ва ҳ.к.);

n - тузатиш коэффициентларининг миқдори;

$I1, I2, I3, \dots In$ - статистика органлари томонидан аниқланган қурилиш материаллари нархларининг қимматлашиш индекслари (келгуси даврларда қайта ҳисоблаш учун қўлланади).

Кўчмас мулк обьектининг тикланиш қийматини қурилишлар ҳажмига нисбатан йириклиштирилган кўрсаткичлар асосида аниқлашда ушбу қийматнинг майдонга нисбатан ҳисобланишини амалга ошириш зарур. Ҳисоблашлар тикланиш қийматини стандарт баландликка бўлиш орқали олиб борилади. Стандарт баландлиги миқдори белгиланмаган кўчмас мулк обьектлари бўйича стандарт баландлик миқдори 3 метр миқдорида қабул қилинади.

Кўчмас мулк обьектининг тикланиш қиймати амалдаги нархлардаги смета қиймати асосида баҳолаш обьектининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича қурилиш смета қийматига нисбатан смета ҳужжатлари тузилган пайтдан эътиборан қурилиш материаллари нархларининг тегишли қимматлашиш индексларини кўллаш йўли билан аниқланади:

$$\text{Са.т.қ.} = \text{Cc} * \text{K} * \text{I1} * \text{I2} * \text{I3} * \dots * \text{In},$$

бу ерда:

Са.т.қ. - кўчмас мулк обьектининг амалдаги нархлардаги тикланиш қиймати;

Cc - лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича кўчмас мулк обьектининг қурилиш сметаси қиймати;

K - худудий коэффициент (йириклиштирилган кўрсаткичлар асосида кўчмас мулкнинг тикланиш қийматини аниқлашда фойдаланиладиган коэффициент);

I1, I2, I3, ... In - статистика органлари томонидан аниқланган қурилиш материаллари нархларининг қимматлашиш индекслари.

Кўчмас мулкнинг тикланиш қийматига кўчмас мулк тикланиш қийматининг амалдаги нархлардаги 10 фоизи миқдоридаги тадбиркорлик фойдаси суммаси қўшилади.

Жамланган эскириш қиймати иқтисодий ёш усули билан қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Эж} = (\text{ХЁ} / \text{ИХМ}) * 100,$$

бу ерда:

Эж - жамланган эскириш;

ХЁ - кўчмас мулкнинг ҳақиқий ёши;

ИХМ - иқтисодий хизмати муддати, ўрнатилган нормаларга мувофиқ.

Бунда жамланган эскириш кўрсаткичи 40 фоиздан ошмаслиги лозим. Ҳисоб кўрсаткичи 40 фоиздан ошган ҳолларда жамланган эскириш 40 фоиз миқдорида қабул қилинади.

Кўчмас мулк объектларини ялпи баҳолашда жамланган эскириш бир нечта диапазонда аниқланади:

- 10 фоизгача (шу жумладан);
- 10 фоиздан 20 фоизгача (шу жумладан);
- 20 фоиздан 30 фоизгача (шу жумладан);
- 30 фоиздан 40 фоизгача (шу жумладан).

Жамланган эскириш кўрсаткичлари (фоиз ва қиймат ифодасида) баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тегишли жадвалда келтирилади.

Баҳолаш обьектиning қиймати базавий-индекс усули билан харажат ёндашуви доирасида тикланиш қиймати ва жамланган эскиришнинг қиймат кўрсаткичи ўртасидаги фарқ сифатида кейинчалик қўчмас мулк обьекти 1 квадрат метрининг базавий қийматини ҳисоблаш билан аниқланади.

Кўчмас мулк обьекти 1 квадрат метрининг қиймати баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тегишли жадвалда жамланган эскиришнинг тегишли диапазонларида келтирилади:

Жамланган эскиришнинг қийматида				
	10 фоизгача (шу жумладан)	10 фоиздан 20 фоизгача (шу жумладан)	20 фоиздан 30 фоизгача (шу жумладан)	30 фоиздан 40 фоизгача (шу жумладан)
Кўчмас мулк обьекти 1 квадрат метрининг харажат усули билан аниқланган қиймати				

5. Баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш обьектиning якуний қийматини аниқлаш.

Баҳолаш обьектиning базавий қиймати турли ёндашувлар билан олинган баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш орқали аниқланган кўчмас мулк обьектиning 1 квадрат метри қиймати ягона кўрсаткичи (ягона бирлиги) кўринишида ифода этилади.

Қиёсий ёндашув билан аниқланган кўчмас мулк обьектиning 1 квадрат метри қиймати жамланган эскиришнинг барча диапазонларини инобатга олган ҳолда харажат ёндашуви билан аниқланган кўчмас мулк обьектиning 1

квадрат метри қийматлари билан алоҳида-алоҳида мувофиқлаштирилади (базавий қийматнинг 4 та мувофиқлаштирилган бирлиги келиб чиқади).

Баҳоловчи мувофиқлаштиришни ўтказишдан бош тортишга ҳақли ва баҳолаш обьектининг базавий қиймати сифатида баҳолаш ёндашувларидан бирининг натижасини тавсия қилиши мумкин. Баҳоловчи мувофиқлаштиришдан бош тортганлигини далиллар билан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асослаши лозим.

Мувофиқлаштириш турли ёндашувлардаги ҳисоб-китоблар натижаларига тегишли ўлчов коэффициентларини бериш йўли билан амалга оширилади. Ўлчов коэффициентлари миқдорлари қуидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$\begin{aligned} \text{харажат ёндашуви учун: } & K_x = C_x / (C_x + C_k) \\ \text{қиёсий ёндашув учун: } & K_k = C_k / (C_x + C_k), \end{aligned}$$

бу ерда:

K_x , K_k - ёндашувлар натижаларига нисбатан қўлланадиган тегишли ўлчов коэффициентлари;

C_x - харажат ёндашуви билан олинган кўчмас мулк обьекти 1 квадрат метрининг қиймати;

C_k - қиёсий ёндашув билан олинган кўчмас мулк обьекти 1 квадрат метрининг қиймати.

Баҳолаш обьекти базавий қийматининг мувофиқлаштирилган бирлиги турли ёндашувлар билан тегишлича олинган ҳисоб-китоблар натижаларига тегишли ўлчов коэффициентлари қўллангандан кейин ёндашувлар натижаларини қўшиш орқали аниқланади:

$$C = \square_x * K_x + \square_k * K_k,$$

бу ерда:

C - кўчмас мулк обьекти 1 квадрат метрининг мувофиқлаштирилган бирлиги;

\square_x , \square_k - баҳолаш обьекти 1 квадрат метрининг қийматини харажат ва қиёсий ёндашувлар билан ҳисоблаш натижалари.

Базавий қийматни мувофиқлаштириш ва аниқлаш якунлари жадвал шаклида келтирилади:

	Жамланган эскиришнинг қийматида			
	10 фоизгача (шу жумладан)	10 фоиздан 20 фоизгача (шу жумладан)	20 фоиздан 30 фоизгача (шу жумладан)	30 фоиздан 40 фоизгача (шу жумладан)
Кўчмас мулк обьекти 1 квадрат метрининг мувофиқлаштиришдан кейин базавий қиймати				

Базавий қийматнинг мувофиқлаштирилган бирлигига ялпи баҳолаш хатоликларини инобатга олиш мақсадида 0,85 миқдорида дисконтлаш коэффициенти (депрессия коэффициенти) қўлланади.

6. Кўчмас мулк обьектининг бозор (инвентаризация) қийматини ҳисоблаш

Кўчмас мулк обьектининг бозор (инвентаризация) қийматини ҳисоблаш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан нархни шакллантирувчи омиллардан келиб чиқсан ҳолда аналогларнинг нархларига тузатишлар киритишида мультиплектив моделни қўллаш орқали аниқланади.

Мультиплектив моделнинг умумий кўриниши қуйидагича:

$$V = C * K_1 * K_2 * \dots * K_n,$$

бу ерда:

V - кўчмас мулк обьектининг бозор (инвентаризация) қиймати;

C - баҳолаш ҳисботида келтирилган базавий қиймат;

K₁, K₂, ..., K_n - нархни шакллантируvчи омиллардан келиб чиқиб қўлланадиган нархни шакллантируvчи коэффициентлар.

Баҳолаш обьектининг базавий қийматига нисбатан нархни шакллантируvчи коэффициентлар фойдаланилаётган нархни шакллантируvчи омиллардан келиб чиқиб қўлланади ва қуйидаги тоифалар билан белгиланади:

минтаقا ичидаи иқтисодий зонаси;

курилган йили;

қаватлик (квартира қайси қаватда жойлашганлиги, нотураржой биноси);

баҳолаш обьектининг кўп қаватли уйда жойлашганлиги (уйнинг қисқа ён томони эканлиги ёки қисқа ён томони эмаслиги);

ер участкасининг ҳажми (якка тартибдаги лойихалар бўйича қурилган кўчмас мулк обьектларини баҳолашда фойдаланилади).

Қўлланилаётган ёндашув ва кўчмас мулк обьектининг турига қараб нархни шакллантирувчи коэффициентлар қўйидаги кетма-кетликда:

намунавий қурилишдаги кўчмас мулк обьектини баҳолашда:

минтақа ичидағи иқтисодий зонаси, қурилган йили, қаватлик (квартира, нотураржой биноси қайси қаватда жойлашганлиги), баҳолаш обьектининг кўп қаватли уйда жойлашганлиги (уйнинг қисқа ён томони эканлиги ёки қисқа ён томони эмаслиги) коэффициентлари қўлланилади;

якка тартибдаги лойиха бўйича қурилган кўчмас мулк обьектини баҳолашда: минтақа ичидағи иқтисодий зонаси, қурилган йили ва ер участкасининг ҳажми (якка тартибдаги лойихалар бўйича қурилган кўчмас мулк обьектларини баҳолашда фойдаланилади) коэффициентлари қўлланилади.

Нархни шакллантирувчи омилларга мос келувчи нархни шакллантирувчи коэффициентлар базавий қиймат 1 кв.м нинг ҳар бир кўрсаткичига нисбатан жамланган эскиришнинг диапазонидан келиб чиқиб қўлланилади.

Якка тартибда қурилган туар жой кўчмас мулк обьектлари қийматини баҳолашда ёрдамчи мақсаддаги қурилишларнинг (бостириналар, уй иссиқхоналари, очик ошхоналар, молхоналар, қўйхоналар, енгил конструкциядаги ёрдамчи мақсаддаги бошқа қурилишлар) базавий қийматига нисбатан бундай қурилишларнинг мавжудлигига қараб 0,80 микдорида пасайтириш коэффициенти қўлланади.

Нархни шакллантирувчи коэффициентларнинг бирликлари ушбу Услубий кўрсатмаларнинг иловасига мувофиқ қабул қилинади.

7. Баҳолаш тўғрисида ҳисобот тузиш.

Баҳоловчининг баҳолаш обьектининг базавий қийматига тааллуқли хулосаси йигилган ахборот ва тегишли ҳисоб-китоблар натижаси тасдиғидан иборат бўлган баҳолаш тўғрисидаги ҳисботда тақдим этилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисботни тузишда қўйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисбот баҳолаш обьекти қийматини аниқлаш учун муҳим бўлган барча ахборотни ўз ичига олиши лозим;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган, фойдаланилган ёки баҳолашдан ўтказишдаги ҳисоб-китоблар натижасида олинган ахборот тасдиқланган бўлиши лозим;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалғитмаслиги, шунингдек ҳар хил маънода талқин қилинишига йўл қўймаслиги лозим;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тақдим қилинган материалларнинг ва баҳолаш жараёни таърифининг таркиби ва кетма-кетлиги қийматнинг ҳисобланишини такрорлашга ва ўхшаш натижаларга олиб келишга имкон бериши лозим;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисбот баҳолаш жараёнида фойдаланилмаган ахборотни ўз ичига олмаслиги лозим, агарда бундай ахборотни илова қилиш баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатларига мувофиқ мажбурий ҳисобланмаса.

Кўчмас мулк объектларини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши қуидаги бўлимлар ва уларнинг қисмларидан иборат бўлиши лозим:

а) I бўлим "Титул варағи" - баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг биринчи сахифаси ҳисобланади ва ҳужжатни излаш учун зарур бўлган бирламчи ахборот манбаси бўлиб хизмат қиласи.

Титул варағида қуидаги маълумотлар келтирилади:

баҳоловчи ташкилотнинг номи;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг рўйхат рақами;

иш номи;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисбот тузилган сана.

Агарда баҳолаш тўғрисидаги ҳисбот икки ёки ундан ортиқ китобдан иборат бўлса, ҳар бир китоб биринчи китобнинг титул варағига мос келувчи ҳамда ушбу китобга доир маълумотлардан иборат ўзининг титул варағига эга бўлиши лозим. Китобнинг рақами титул варағига қўйилади;

б) II бўлим "Мундарижа" - барча бўлимлар, кичик бўлимлар, бандлар (агар улар номига эга бўлса), тегишли сахифалари рақамлари кўрсатилган иловалардан ташкил топади.

Икки ва ундан ортиқ китобдан иборат бўлган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузишда уларнинг ҳар бирида ўз мундарижаси бўлиши лозим. Бунда биринчи китобда бутун баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг мундарижаси китблар рақамлари кўрсатилган ҳолда жойлаштирилади, кейинги китбларда - факат тегишли китобнинг мундарижаси бўлади. Биринчи китобда кейинги китбларнинг мундарижалари ўрнига факат уларнинг номини кўрсатишга йўл қўйилади;

в) III бўлим "Кузатув хати (умумлаштирувчи қисм)" буюртмачига баҳолашни амалга ошириш натижалари ҳақидаги эркин шаклда (иш услубида) баён этилган хабарни ўз ичига олади. Хатда қуидагилар кўрсатилади:

баҳолашни амалга ошириш учун асос;

баҳолаш обьектининг номи ва жойлашган манзили;

бажарилган ишларнинг қисқача баёни;

қиймат аниқланган санага қадар бўлган ҳолатга кўра баҳолаш обьектининг қиймати ҳақида хulosса;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот қайси қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган бўлса, шу ҳужжатларга ҳавола;

кузатув хати баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга асосан тайёрлангани ва фақатгина ҳисоботнинг тўлиқ матнига боғлиқ равища, яъни ҳисоботда қабул қилинган барча фаразлар ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда талқин қилиниши мумкинлигига кўрсатма.

Кузатув хати баҳоловчи ташкилотнинг фирма бланкида расмийлаштирилади, раҳбари томонидан имзоланади ва муҳри билан тасдиқланади;

г) IV бўлим "Қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар ва атамалар рўйхати" баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда қабул қилинган кам тарқалган қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар, специфик (профессионал) атамалардан иборат бўлиб, уларнинг таърифлари кўрсатилган бўлиши.

Агарда қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар ва атамалар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда икки мартадан кам такрорланса, алоҳида рўйхат тузилмайди ва бевосита матнда илк эслатишданоқ унинг маъноси очиб берилади;

д) V бўлим "Кириш" асосий фактлар ва хulosаларнинг қисқача баёнидан иборат бўлиши лозим. Бу бўлимга қуидаги қисмлар киритилган бўлиши лозим:

асосий фактлар ва хulosалар, унда қуидагилар кўрсатилади;

баҳолаш обьекти тўғрисидаги умумий ахборот;

баҳолаш тўғрисидаги шартнома номи, рақами ва тузилган санаси, тарафларнинг тўлиқ номи, ваколатли органнинг қарори (хукumat қарорлари, баҳолашни ўтказиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ҳужжатлар);

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда охирги марта ўзгартириш киритилган санага ҳамда тақдим қилинган қўринища расмийлаштирилган ҳисоботнинг календарь санасига мос келувчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган сана;

ҳисоботнинг тартиб рақами;

ушбу Услубий кўрсатмалар талабларига мувофиқ бўлган ахборотни ўз ичига олиши лозим бўлган баҳолаш тўғрисидаги вазифа;

баҳолашнинг буюртмачиси тўғрисидаги маълумотлар (номи, юридик манзили);

баҳоловчи ташкилот (тўлиқ номи, юридик манзили, фуқаролик жавобгарлигининг суғурталаниши, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар) ва баҳоловчи ташкилотда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган баҳоловчи (фамилияси, исми, отасининг исми, баҳолашни ўtkазиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами ва берилган санаси) тўғрисида маълумотлар. Шунингдек, баҳолашдан ўtkазиш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисботни тайёрлаш учун жалб қилинадиган ташкилотлар ва мутахассислар тўғрисида, уларнинг баҳолаш обьектини баҳолашдан ўtkазишдаги малакаси ва иштирок этиш даражаси кўрсатилган ахборот;

баҳолаш натижаларига таъсир кўрсатган эҳтимоллар ва чекловлар (мавжуд бўлганда);

е) VI бўлим "Асосий қисм" қуйидаги мажбурий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

баҳоловчи босқичма-босқич у томондан бажарилган ишларнинг кетма-кетлигини тавсифлайдиган баҳолаш жараёнининг босқичлари. Ҳар бир босқичда баҳолаш обьектини баҳолаш бўйича қилинган ишлар тўғрисида умумий маълумотлар (оддий рўйхатни келтиришга рухсат берилади) келтирилади. Ўтказилган таҳлил ва қилинган ҳисоб-китобларнинг янада батафсил ёритиб берилиши баҳолаш обьектининг хусусиятлари, баҳолаш вазифаси ва мавжуд ахборот ҳажмига мувофиқ қуйидаги қисмларда келтирилади;

баҳолаш обьектининг миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи баҳолаш обьектининг тавсифи.

Баҳоловчи томонидан баҳолашни ўtkазиш учун зарур бўлган ахборотни олиш жараёни баҳолаш тўғрисидаги ҳисботида ҳам ахборотни олишнинг аниқ манбалари, ҳужжатни аниқловчи номи, рақами, санаси ва бошқа маълумотлари кўрсатилган ҳолда тавсифланади.

Агар буюртмачининг сўралган ахборотни тақдим этишдан бош тортганлиги баҳолаш натижаларининг аниқлиги ва/ёки ишончлилигига жиддий таъсир кўрсатган бўлса, у ҳолда бу ҳолат баҳолаш тўғрисидаги ҳисботда қайд этилади.

Баҳолаш обьектининг тавсифи баҳолаш тўғрисидаги ҳисботдан фойдаланувчида баҳоланаётган мулкнинг қадр-қимматига таъсир қиласидиган

барча жиҳатларда баҳолаш обьекти тўғрисидаги обьектив тасаввурни шакллантириши лозим.

Баҳолаш обьекти бозорининг таҳлили баҳолаш обьектига бевосита дахли бўлмаган, лекин унинг қийматига таъсир қилувчи барча омилларнинг таҳлилини ўз ичига олиши лозим. Бўлимда баҳолаш обьектининг қийматини аниқлашда фойдаланилган барча нархни шакллантирувчи омиллар бўйича ахборот ва уларнинг аҳамияти асослари тақдим этилган бўлиши лозим.

Баҳоловчига, шунингдек баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда барча фойдаланилган қонун хужжатларини акс эттириши лозим.

Баҳолаш жараёнининг тавсифи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланувчига баҳолаш жараёнининг мантигини ва баҳоловчи томонидан баҳолаш обьектининг қийматини белгилаш учун қўйилган қадамларининг муҳимлигини тушуниш имконини берувчи баҳолаш обьектининг қийматини аниқлашнинг кетма-кетлигидан иборат бўлиши лозим.

Ҳар бир ёндашув доирасида баҳоловчи у томондан қилинган барча таҳлиллар, ҳисоб-китоблар, мулоҳазаларни келтиради. Баҳоловчининг қабул қилинган ёндашувлар доирасида баҳолаш усулларини қўллашдаги ҳар бир ҳаракати тегишли тарзда асосланган бўлиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда мавжуд бўлган барча ахборот текширила оладиган бўлиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳоловчининг фикрига қўра у томондан баҳолаш обьектининг қийматини ҳисоблашдаги қўлланилган усулни акс эттириши учун муҳим ҳисобланган ҳар қандай маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин;

ж) VII бўлим "Хулоса" қуйидаги қисмлардан иборат бўлиши лозим:

баҳолаш обьектини мувофиқлаштириш тартиб-таомилининг тавсифи келтирилган ҳолда турли ёндашувларни қўллаш билан олинган баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш;

ҳар бир ёндашувда олинган натижаларнинг сезиларли фарқлари эҳтимолий фарқлар сабабларига тааллукли далилий шарҳлар билан баён этилиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг хулоса қисми сифат тўғрисидаги баёнот - баҳоловчининг баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот қонун хужжатлари ва фойдаланилаётган баҳолаш стандартлари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги расмий эълонини ўз ичига олиши лозим;

з) VIII бўлим "Фойдаланилган манбалар рўйхати" баҳолаш обьектини баҳолашдан ўтказишда фойдаланилган, уларнинг олинган манбалари кўрсатилган ҳолдаги маълумотлар рўйхатини ўз ичига олиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда фойдаланилаётган адабиётлар ва манбаларга ҳаволалар ҳисобот матнида бўлиши лозим, манбаларнинг тўлиқ номлари кўрсатилган рўйхат эса ҳисоботнинг алоҳида бўлимида (иловасида) келтирилади.

Манбалар сирасига қуидагилар киради: қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар, маълумотнома ва услубий адабиётлар, услубий тавсиялар, хизматга оид адабиётлар, маълумотлар базаси, Интернет тармоғидан олинган маълумотлар ва ҳ.к.;

и) IX бўлим "Иловалар" чоп этилган кўринишида баҳолашдан ўтказишида фойдаланилган барча ахборотдан, шунингдек ҳисоб-китоблар ва ҳисоб-китоблар жадвалидан иборат бўлиши лозим. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг иловаларида бошқа ташкилотларга юборилган сўровлар ва бундай сўровларга жавоблар нусхалари мавжуд бўлиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга илова қилинган барча хужжатлар тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши (унга ваколатланган шахс томонидан имзоланган ва белгиланган тартибда хужжатларни тақдим этувчи органлар ва ташкилотлар томонидан тасдиқланган бўлиши, Интернет тармоғидан ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан олинган ахборот бундан мустасно) лозим.

Ҳисоб-китоблар қилинишига асос бўлган хужжатларнинг йўқлиги баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни ишончли эмас деб эътироф этиш учун бевосита асос ҳисобланади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга иловалар, шунингдек баҳоловчи ташкилотнинг лицензияси, баҳоловчи томонидан баҳолашни ўтказиши учун хуқуқини тасдиқловчи хужжатлар нусхаларини, фуқаролик жавобгарлиги сугурта полисининг нусхасини ўз ичига олиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда илова хужжатларининг тўлиқ рўйхати мавжуд бўлиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг нусхаси баҳоловчи ташкилотда баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган санадан бошлаб қонун хужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланиши лозим.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан қурилган ва фойдаланилаётган иморатлардан мулк солиги тўлаб келинса бу мулкий ҳукуқнинг келиб чиқишига сабаб бўла оладими ?
2. Иморатлар ва иншоотларни баҳолаш жараёнида базис нархларга қайси давлат органи томонидан тасдиқланган коэффициентлар қўлланилади ?
3. Иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг баҳоси қанча муддатга ўзгаришсиз қолади ?
4. Қайси ҳолатларда фуқароларнинг иморатлар, бинолар ва иншоотларини янгидан баҳолаш ўтказилади ?
5. Кўздан кечириш имкони бўлмаган иншоотларнинг жисмоний эскириш фоизи қандай ҳисобланади ?
6. Зилзила жиҳатидан хавфли ҳудудларда турар уй-жой биноларининг тикланиш қийматига қандай тузатма коэффициентлари ишлатилади ?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Григорьев В.В. Оценка и переоценка основных фондов. - М.: Инфра - М, 1997.
2. Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н., Хадиев Б.Ю. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Академиги Фуломов С.С. таҳрири остида. “Кўчмас мулкни баҳолаш”. –Т.: “Фан”.
3. К.Б. Ганиев, Г.И. Ганиева. Оценка недвижимости. Тошкент. KONSAUDITINFORM - NASHR. 2010.

Норматив ҳуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни (19.08.1999 й. №811-І).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (09.04.2009 й. № ЗРУ-208).
3. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (МБМС № 10. “Кўчмас мулк қийматини баҳолаш” (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 12.10.2009 й. 01/19-18/21-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия взирлигидан 18.11.2009 йилда 2044 рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

4. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (МБМС № 12. “Солик солиш мақсадида ялпи баҳолаш усуллари билан қўчмас мулк қийматини баҳолаш” (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 25.03.2012 й.. N 01/19-18/06-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия взирлигидан 08.05.2012 йилда N 2359 рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Кадастр объектлари қайси жиҳатлари бўйича баҳоланади?

- А. Иқтисодий ва ижтимоий жиҳатидан.
- Б. Ҳудудий жойлашуви жиҳатидан.
- С. Сифат ва қиймат жиҳатидан.
- Д. Тойифаси ва мустахкамлиги жиҳатидан.

2. Тиклаш баҳоси деб нимага айтилади ?

А. Баҳоланаётган объектнинг бугунги кунда худди шундай меъморий курилиш кўрсатгичлари бир хил бўлган объектни куриш учун сарфланадиган баҳоси.

В. Баҳоланаётган объектнинг фойдаланиш эквиваленти ўзгартирилмаган ҳолда худди шундай объектни шу бугунги баҳода янги лойиха меъёрлари ва янги материаллардан фойдаланиб куриш учун кетадиган харажатлар микдори.

С. Баҳоланаётган объектнинг шу бугунги кундаги техник, молиявий, иқтисодий ва фукцианал кўрсатгичларини ҳисобга олган баҳоси.

Д. Баҳоланаётган объектнинг келтирадиган фойдасини ҳисобга олиш баҳоси.

3. Солиқ солиши объектларини баҳолаш ва қайта баҳолаш қандай ўтказилаётганлигини назорат қилиш қайси давлат органи томонидан амалга оширилади ?

- А. Давлат солиқ қўмитасининг жойлардаги органлари.
- Б. Махалий давлат ҳокимияти органлари.
- С. Туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк хизматлари
- Д. Давлат мулкин бошқариш бошқармалари

4. Ерларнинг қиймат баҳоси нима мақсадлар учун аниқланади?

А. Ер учун тўланадиган ҳақ, ерларни кимошли савдосида реализация қилиш пайтида бошланғич баҳосини аниқлаш, ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда компенсация тўлаш, йўл қўйилган нобудгарчилик ва кўрилган заарларни қоплаш учун.

В. Ерлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлаш, ер учун тўланадиган ҳақ норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерларни кимошли савдоси асосида сотиш баҳосини аниқлаш, ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда компенсация тўлаш, ва кўрилган заарларни қоплаш учун.

С. Ерлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлаш, ер учун тўланадиган ҳақ ва унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерларни кимошли савдоси асосида реализация қилиш пайтида бошланғич баҳосини аниқлаш, ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда йўл қўйилган нобудгарчилик ва кўрилган заарларни қоплаш учун

Д. Ерлардан олинадиган хосил миқдорини белгилаш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, ерларни кимошибди савдосида реализация қилишдани бошланғич баҳосини аниқлаш, ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда йўл қўйилган нобудгарчилик ва кўрилган заарларни қоплаш учун.

5. Бинонинг абрисида горизонталь бўйича рақамлар қандай тартибда қўйилади ?

- А. Пастдан тепага.
- В. Чапдан ўнгга.
- С. Ўнгдан чапга.
- Д. Тепадан пастга.

6. Бинонинг абрисида бинонинг қайси элементлар тасвирланади ?

- А. Ички деворлар контури.
- В. Ташқи девор баландлиги.
- С. Ички девор баландлиги.
- Д. Ташқи капитал деворлари контури.

7. Бинонинг ташқи ўлчамлари қаеридан ўлчанади ?

- А. Цоколдан тепароқда.
- В. Деразалардан пастдан.
- С. Цокодан пастдан.
- Д. Деразалардан тепароқдан.

8. Бинонинг ташқи ўлчамларини ўлчашда бошлонғич нуқтаси қандай аниқланади.

- А. Дарвоза бурчаги.
- В. Ер участкасининг бурчаги
- С. Бинонинг бурчаги
- Д. Эшие ёки дераза бурчаги.

9. Ўлчаш ишлар қаердан бошланиб қаерда тутатилади ?

- А. Бино ташқи девори бошланишидан оҳиригача.
- В. Бир двернинг ўқидан иккинчи девор ўқигача.
- С. Дераза ёки эшик ўринларининг бошланғич ва охирги бурчакларигача.
- Д. Бинонинг ташқи бурчагидан дераза ёки эшик ўринларининг бошланишгача

10. Деворларнинг бутун периметри бўйича ўлчаш ишларининг иложи бўлмаган ҳолларда ўлчав ишлар қандай амалга оширилади ?

- А. Чердаки бўйича бажарилиши мумкин.
- В. Қўшни девор томонидан бажарилиши мумкин.
- С. Ўқизиқлари бўйича ўлчаш мумкин.

Д. Ички ўлчавлар йифиндси сифатидан олиниши мукин.

11. Тураг уй-жой биносининг ташқи баландлиги қандай ҳисобланади ?

- А. Цоколдан томнинг тепа қисмигача.
- В. Полдан казирокгача.
- С. Цоколдан томнинг ўртасигача.
- Д. Отмосткадан карнизгача.

12. Томи бир томонга нишаб бўлган иморатларнинг баландлиги қандай ҳисобланади ?

- А. Нишабнинг устигача.
- Б. Нишабнинг ўртасигача.
- С. Нишабнинг пасткигача.
- Д. Ҳар учала ҳолда хам тўғри.

13. Қуббаси бор хоналарнинг ички баландлиги қандай ўлчанади ?

- А. Полдан қуббанинг тагигача ва полдан қуббанинг тепасигача
- Б. Полдан қуббанинг тагигача
- С. Полдан қуббанинг тепасигача
- Д. Полдан қуббанинг бошланишигача

14. Балкалар билан қопланган хоналарнинг ички баландлиги қандай ўлчанади ?

- А. Полдан балканинг тепа қисмигача .
- Б. Полдан потолонинг пастигача .
- С. Полдан балканинг ўрта қисмигача .
- Д. Полдан балканинг пастки қисмигача .

15. Қандай ўлчамдаги бино элементлари ўлчанади ва абрисга киритилади ?

- А. 10 см дан ортиқ бўлган ташқи бўртиклар ва пилистралар.
- Б. 20 см дан ортиқ бўлган ташқи бўртиклар ва пилистралар.
- С. 30 см дан ортиқ бўлган ташқи бўртиклар ва пилистралар.
- Д. 40 см дан ортиқ бўлган ташқи бўртиклар ва пилистралар.

16. Бурчаклари тўғри бўлмаган шаклдаги хоналарда ўлчав ишлари қандай амалга оширилади ?

- А. Деворларнинг ичи бўйича ўлчанади
- Б. Деворларнинг сирти бўйича ўлчанади.
- С. Деворларнинг дигонали бўйича ўлчанади
- Д. Деворларнинг периметри бўйича ўлчанади

17. Қават планини чизиш қайси масштаблар бажарилади ?

- А. 1:100 (1:200) масштабда.
- Б. 1:50 (1:100) масштабда.
- С. 1:200 (1:500) масштабда.
- Д. 1:500 (1:1000) масштабда.

18. Қалинлиги неча сантиметирдан ортиқ бўлган пардеворлар планда икки чизик билан кўрсатилади ?

- А. Қалинлиги 5 см дан ортиқ бўлган пардеворлар
- Б. Қалинлиги 10 см дан ортиқ бўлган пардеворлар
- С. Қалинлиги 15 см дан ортиқ бўлган пардеворлар
- Д. Қалинлиги 20 см дан ортиқ бўлган пардеворлар

19. Биринчи бўлиб қайси қават плани чизилади?

- А. Юқори қават плани
- Б. Биринчи қават плани
- С. Том плани
- Д. Ер тўла плани

20. Ёпиқ верандалар, галереялар, тамбурларнинг ўлчамлари қандай ўлчанади?

- А. Ичидан ўлчанади.
- Б. Ташқарисидан ўлчанади.
- С. Тепасидан ўлчанади.
- Д. Пойдеворидан ўлчанади.

21. Қаватлар планларида бинонинг литералари ер участкаси планидаги литераларга мос келиши шартми ?

- А. Мос келиши шарт эмас.
- Б. Мос келиши лозим.
- С. Чизмага қараб ҳал қилинади.
- Д. Ихтиёрий.

22. Қават планларида хоналарга берилган рақам қандай тартибда кўйилади ?

- А. Кириш жойидан бошлаб, соат стрелкасига тескари йўналиш бўйича.
- Б. Кириш жойидан бошлаб, соат стрелкасининг йўналиши бўйича.
- С. Асосий хоналардан бошлаб, соат стрелкасининг йўналиши бўйича.
- Д. Асосий хоналардан бошлаб, соат стрелкасига тескари йўналиш бўйича.

- 23. Кўп қаватли бинолардаги умумий фойдаланишдаги коридор, лифт, холлари, вестибюллар, зинахоналар планда қандай рақамланади ?**
- А. Қалин араб рақамлари билан.
 - Б. Қалин лотин харифлари билан.
 - С. Қалин кирил харифлари билан.
 - Д. Қалин рим рақамлари билан.
- 24. Қаватлар планида хоналарнинг баландлиги ўлчамлар қандай тартибда кўрсатилади ?**
- А. Қайси хонада олинган бўлса, ўша жойда кўрсатилади.
 - Б. Қайси хона ташқарисидан олинган бўлса, ўша жойда кўрсатилади.
 - С. Ўлчнган хоналарнинг баландлиги катта бўлган бирида кўрсатилади.
 - Д. Ўлчнган хоналарнинг баландлиги кичик бўлган бирида кўрсатилади.
- 25. Тўғrimас бурчакли хоналарнинг ўлчамлари қандай ўлчанади ?**
- А. Параллель ҳолда жойлашган деворларнинг ўлчавлари асосида.
 - Б. Учбурчаклар томонларининг ўлчовлари асосида.
 - С. Тўғrimас бурчакли хоналарнинг диагональ ўлчамлари асосида.
 - Д. Трапеция томонларининг ўлчовлари асосида
- 26. Қаватлар планида ўлчамлар қайси ўлчав бирлигida қўйиб чиқилади ?**
- А. Метрда
 - Б. Сантиметрда
 - С. Миллиметрда
 - Д. Ҳар учаласидан хам фойдаланса бўлади.
- 27. Планда қайси элементларга ўлчамлар берилмайди?**
- А. Ёнбошга қурилган иссиқлик ўтказилмаган биноларнинг ички ўлчамлари.
 - Б. Икки хона ўртасида жойлашган партўсинлар, эшиклар, деразалар.
 - С. Бир-бирига тенг бўлган хоналарнинг томонлари
 - Д. Тахмон-токчалар, аркалар, колонналар, бўртиклар, эшиклар, деразалар, зиналар.
- 28. Хоналарнинг майдонини ҳисоблаш қандай аниқликда бажарилади ?**
- А. Икки хонали ўнли касргача аниқликда.
 - Б. Бир хонали юзли касргача аниқликда
 - С. Бир хонали ўнли касргача аниқликда.
 - Д. Икки хонали юзли касргача аниқликда
- 29. Бутун бино бўйича қайси майдонлар ҳисобланади ?**
- А. Умумий майдони; фойдали майдони; яшаш майдони; ишчи майдон
 - Б. Умумий майдони; ёрдамчи майдон; яшаш майдони; иморат эгаллаган майдон.

С. Умумий майдони; фойдали майдони; яшаш майдони; қурилиш майдони.

Д. Умумий майдони; фойдали майдони; яшаш майдони; иморат әгаллаган майдон.

30. Бинонинг яшаш майдонига қайси майдонлар киритилади?

А. Ёрдамчи хоналар майдонларининг йиғиндиси.

В. Лоджиялар, балконлар, верандалар, террасалар майдонларининг йиғиндиси.

С. Ошхоналар, коридорлар, ванналар, санузеллар, қурилган шкафлар майдонларининг йиғиндиси.

Д. Яшаш хоналари майдонларининг йиғиндиси.

31. Квартиранинг умумий майдони ҳисоблашда қаватлардаги балкон ва террасалар учун қандай пасайтирувчи коэффициент қўлланилади ?

А. - 0,5

Б. - 0,3

С. - 0,1

Д. - 0, 2

32. Бинонинг умумий майдонига қайси хоналарнинг майдони қўшилмайди ?

А. Коридор ва сан. узеллар.

Б. Зина ва лифт хоналари.

С. Лодже ва балконлар.

Д. Кухня ва шикафлар.

33. Арка ўринларининг майдонлари хона майдонига қандай тартибда киритилади ?

А. Аркаларнинг кенглиги 2 метрдан ортиқ бўлганда ўринларининг майдонлари хона майдонига қўшилади.

Б. Аркаларнинг кенглиги 1 метрдан ортиқ бўлганда ўринларининг майдонлари хона майдонига қўшилади.

С. Аркаларнинг кенглиги 0,5 метрдан ортиқ бўлганда ўринларининг майдонлари хона майдонига қўшилади.

Д. Аркаларнинг кенглиги 0,2 метрдан ортиқ бўлганда ўринларининг майдонлари хона майдонига қўшилади.

34. Квартира ичидағи зина марши остидаги майдон у жойлашган хонанинг майдонига қўшиладими ?

А. Полдан маршнинг туртиб чиққан конструкциялари тагигача бўлган баландлик 1,6 метрдан ортиқ бўлса, зина жойлашган хонанинг майдонига қўшилади.

- В. Полдан маршнинг туртиб чиққан конструкциялари тагигача бўлган баландлик 1,5 метрдан ортиқ бўлса, зина жойлашган хонанинг майдонига қўшилади.
- С. Полдан маршнинг туртиб чиққан конструкциялари тагигача бўлган баландлик 1,2 метрдан ортиқ бўлса, зина жойлашган хонанинг майдонига қўшилади.
- Д. Полдан маршнинг туртиб чиққан конструкциялари тагигача бўлган баландлик 1,0 метрдан ортиқ бўлса, зина жойлашган хонанинг майдонига қўшилади.

35. Бинонинг қурилиш ҳажми қайси қисимларни ҳисобга олимаган ҳолда аниқланади ?

- А. Эшик ва деразалар эгаллаган майдонлар ҳажмини.
- Б. Цокол қавватлар ҳамини.
- С. Зинапоялар эгалланган майдонлар ҳажмини.
- Д. Тутиб чиққан архитектура деталлари ҳамда конструктив элементларни.

36. Чердак қопламаси бор бинонинг ҳажми қандай ҳисобланади ?

- А. Пол юзаси бўйича ҳисобланган майдонини чердак қопламаси тўшалмасининг тепасигача бўлган баландлика кўпайтириш орқали ҳисобланади.
- Б. Цоколдан юқори қисми ўлчамлари бўйича ҳисобланган майдонини чердак қопламаси тўшалмасининг остигача бўлган баландлика кўпайтириш орқали ҳисобланади.
- С. Цоколдан юқори қисми ўлчамлари бўйича ҳисобланган майдонини чердак қопламаси тўшалмасининг тепасигача бўлган баландлика кўпайтириш орқали ҳисобланади.
- Д. Пол юзаси бўйича ҳисобланган майдонини чердак қопламаси тўшалмасининг остигача бўлган баландлика кўпайтириш орқали ҳисобланади

37. Қайси вақтда бино ҳажми алоҳида қисимларга бўлиб ҳисобланади ?

- А. Агар бинонинг томлари конфигурацияси ёки уларнинг конструктив ечимилари ҳар хил бўлса.
- Б. Агар бинонинг конфигурацияси ёки уларнинг конструктив ечимилари бир-биридан кескин фарқ қиласа.
- С. Агар эркерлар, тамбурлар ва бинонинг ҳажмни оширувчи бошқа қисимлари томнинг ташқи контуридан тутиб чиққан бўлса.
- Д. Агар бинонинг ҳажмни оширувчи деворларнинг ўлчамлари ҳар хил бўлса.

38. Асосий бино ёнбошга қурилган иморатларнинг ҳажмини ўлчаш тартиби қандай ?

- А. Бир хил аҳамиятдаги ва бир хил материалдан ёнбошга қурилган иморатларнинг ҳажмлари, асосий бинонинг ҳажмига қўшиб ҳисобланади.
- Б. Бир хил мақсаддаги ва бир хил баландлика эга ёнбошга қурилган иморатларнинг ҳажмлари, асосий бинонинг ҳажмига қўшиб ҳисобланади.
- С. Бир хил вазифани бажарувчи ва бир хил майдонга эга ёнбошга қурилган иморатларнинг ҳажмлари, асосий бинонинг ҳажмига қўшиб ҳисобланади.
- Д. Бир хил материалдан ёнбошга қурилган иморатларнинг ҳажмлари, асосий бинонинг ҳажмига қўшиб ҳисобланади.

39. Тураг жой бинолари ва ётоқхоналарнинг қурилиш ҳажмини аниқлашда техник қаватларнинг ҳажми киритиладими ?

- А. Конструктив ечими бир хил бўлса киритилади.
- В. Қурилиш материаллари бир хил бўлса киритилади
- С. Қандай кўринишидан қатий назар киритилади.
- Д. Бино ўлчамлари билан бир хил бўлса киритилади.

40. Асосий иморат деб қайси иморатга айтилади ?

- А. Участкада жойлашган энг балан иморат.
- Б. Участкада жойлашган энг катта иморат.
- С. Участканинг номини билдирувчи иморат.
- Д. Участканинг мақсад вазифасини белгиловчи иморат.

41. Мезонин нима ?

- А. Уй-жойнинг умумий томи устида кўтарилилган, майдони бўйича пастки қаватдан катта бўлган қурилма
- Б. Уй-жойнинг умумий томи устида кўтарилилган, майдони бўйича пастки қаватдан кичик бўлган қурилма.
- С. Уй-жойнинг умумий томи устида кўтарилилган, майдони бўйича пастки қават билан тенг бўлган қурилма
- Д. Уй-жойнинг умумий томи устида кўтарилилган, майдони бўйича охирги қават майдонига тенг бўлган қурилма

42. Мансарда нима ?

- А. Баланд томнинг нишаблиги билан ташкил бўлган чердакда жойлашган хона.
- Б. Баланд томнинг нишаблигидан тепага кўтарилилган чердакда жойлашган хона.
- С. Баланд томнинг нишаблигидан пастда ташкил бўлган чердакда жойлашган хона.
- Д. Баланд томнинг нишаблигини кесиб ўтиш йўли билан ташкил бўлган чердакда жойлашган хона.

43. Веранда нима ?

- А. Бино ёнбошига қурилған ойнаванд ёзги хона-жой
- В. Уй-жойнинг ички қисмларига кириш олдидаги жой.
- С. Бинога кираверишда совуқ ҳаводан ҳимояланиш учун мүлжаланган жой.
- Д. Бинога кирудиларни қабул қилиш ва бўлиш учун мўлжалланган жой.

44. Терраса нима ?

- А. Бинонинг фасад қисмидан чиқиб турған қисми.
- В. Бино ёнбошига қурилған икки хона орасидаги очиқ ёки ёпиқ майдонча.
- С. Бино ёнбошига қурилған ёруғлик билан таъминланиши ва инсолациясини яхшилайдиган қисми.
- Д. Бино ёнбошига қурилған очиқ ёки ёпиқ майдонча.

45. Долон нима ?

- А. Ёзги хона-жой, ўтиш жойи тепасидаги, иккинчи қаватдаги хона.
- В. Яшаш хоналари олдида жойлашган, бевосита ҳовлига чиқадиган ёпиқ ва ойналанган ёзги хона-жой.
- С. Ёпиқ ўтиш хона-жойи, у уйнинг ён томонида ёки ўртасида жойлашиши мумкин.
- Д. Асосий иморатлар ёнбошига қурилған ва уйнинг яшаш қисми билан бевосита боғланмаган хизматчи хона-жой.

46. Абрис деб нимага айтилади ?

- А. Кўлда муайян масштабга, риоя қилиб ижро этилган, планни тузиш учун зарур бўлган маълумотлар белгиланган чизма.
- Б. Кўлда муайян масштабсиз, лекин пропорцияларга риоя қилиб ижро этилган, планни тузиш учун зарур бўлган маълумотлар белгиланган чизма.
- С. Кўлда муайян масштабсиз, лекин масштаб қоидаларига риоя қилиб ижро этилган, планни тузиш учун зарур бўлган маълумотлар белгиланган чизма.
- Д. Кўлда муайян масштабда, лекин геометрия қоидаларига риоя қилиб ижро этилган, планни тузиш учун зарур бўлган маълумотлар белгиланган чизма.

47. Литер нима ?

- А. Бинолар, иморатлар ва иншоотларнинг инвентаризациян техник хужжатлардаги ҳарфли белгиси.
- В. Бинолар, иморатлар ва иншоотларнинг инвентаризациян техник хужжатлардаги рақам белгиси.
- С. Бинолар, иморатлар ва иншоотларнинг инвентаризациян техник хужжатлардаги шартли белгиси.
- Д. Бинолар, иморатлар ва иншоотларнинг инвентаризациян техник хужжатлардаги тартиб рақами.

48. Техник қават деб қайси қаватга айтилади ?

- А. Ер сатҳининг режавий белгисидан хона баландлигининг ярмидан ортиқ миқдорда паст бўлган қават.
- Б. Муҳандислик жиҳозларини жойлаштириш ва коммуникацияларни ўтказиш учун мўлжалланган қават.
- С. Ишлаб чиқариш, савдо, маданий-маърифий, даволаш-санитар, коммунал-маиший, маъмурий ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган қават.
- Д. Асосий қавтларга нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган қават.

49. Бинонинг асосий конструктив элементларига нималар киради ?

- А. Томлар, поллар, деразалар, эшиклар.
- Б. Иситиш печлари ва ошхона ўчоқлари
- С. Ички ва ташқи пардозлар.
- Д. Пойдеворлар, деворлар, қопламалар.

50. Бинонинг асосий муҳандислик ускуналарига нималар киради ?

- А. Лифт ва аҳлат трубапроводлари.
- Б. Электр, газ, водопровод, канализация счётчиклари.
- С. Электр, газ, водопровод, канализация ускуналари.
- Д. Шахталар, мўрилар, шамоллатиш ускуналари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган мол-мулкнинг қийматини аниқлаш ишлари қайси ташкилот зиммасига юклатилган?
2. Солик солиш обьектларини баҳолаш ва қайта баҳолаш қандай ўтказилаётганилигини назорат қилиш қайси давлат органи томонидан амалга оширилади?
3. Солик солиш учун баҳолаш обьектларига қайси обьектлар киради?
4. Қайси бинолар ва иншоотлар солик солиш мақсадида баҳоланмайди?
5. Фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан қурилган ва фойдаланилаётган иморатлардан мулк солиги тўлаб келинса бу мулкий ҳукуқнинг келиб чиқишига сабаб бўла оладими?
6. Иморатлар ва иншоотларни баҳолаш жараёнида базис нархларга қайси давлат органи томонидан тасдиқланган коэффициентлар қўлланилади?
7. Иморатларнинг тиклаш қиймати қайси харажатлардан ташкил топади?
8. Уй-жойлар ва бошқа иморатларнинг жисмоний эскириши қандай аниқланади?
9. Қайси иморатлар ва иншоотларнинг жисмоний эскирганлиги хизмат қилиш муддатларига қўра аниқланади?
10. Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган уй-жойлар, квартиralар қайси функционал қўрсаткичдан келиб чиқсан ҳолда баҳоланади?
11. Иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг баҳоси қанча муддатга ўзгаришсиз қолади ?
12. Қайси ҳолатларда фуқароларнинг иморатлар, бинолар ва иншоотларини янгидан баҳолаш ўтказилади ?
13. Бинонинг жисмоний эскириши деганда нимани тушинасиз ?
14. Бинонинг жисмоний эскириш фоизи қандай аниқланади ?
15. Қайси биноларда жисмоний эскириш фоизи айрим конструктив элементларнинг солиштирма салмоғини ҳисобга олмаган ҳолда аниқланади ?
16. Кўздан кечириш имкони бўлмаган иншоотларнинг жисмоний эскириш фоизи қандай ҳисобланади ?
17. Зилзила жиҳатидан хавфли ҳудудларда турар уй-жой биноларининг тикланиш қийматига қандай тузатма коэффициентлари ишлатилади ?

18. Бино ва иншоотларни баҳолаш жараёнида қайси ишлар бажарилади ?

19. Баҳолаш обьектини бўйича ахборат тўплашда (идентификациялашда) қандай маълумотлар йигилади ?

20. Баҳолаш обьектини техник таърифлаш нималарга этибор берилади ?

21. Баҳолаш обьектининг умумий майдони 1 м^2 (хажмининг 1 м^3) тикланиш нархи қандай тартибда аниқланади ?

22. Биноларни бир муҳимлик групҳи (капитальност) иккинчи муҳимлик групҳига ўтказиш тартиби қандай амалга оширилади ?

23. Бинонинг хажми Тўпламда қабул қилинганига нисбатан фарқ қиласа тузатиш коэффициенти қандай тартибда қўлланилади ?

24. Тикланиш қиймати нима ?

25. Ўрнига белгилаш қиймати нима ?

26. Жорий қиймат нима ?

27. Бино ва иншоотларни баҳолаш босқичлари қайси ишлардан ташкил топади ?

28. Бино ва иншоотларни баҳолашда қайси вазифалар ўз ечимини топиши керак ?

29. Баҳолаш обьектининг тавсифига нималар киради ?

30. Баҳолаш обьектини кўздан кечириш чоғида баҳоловчи нималарни аниқланиши лозим ?

31. Лойиха-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган обьектни баҳолаш қандай амалга оширилади ?

32. Лойиха-смета ҳужжатлари мавжуд бўлмаган обьектни баҳолаш қандай амалга оширилади ?

33. Баҳоловчи баҳолаш обьектига оид қандай қўшимча ахборотларни йиғиши ва таҳлил қилиши лозим ?

35. Кўчмас мулк қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот қандай асосий бўлимлардан иборат бўлиши лозим ?

36. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот қандай расмийлаштирилади ?

37. Қурилиши тугалланмаган обьектнинг қиймати қандай аниқланади ?

38. Ёғоч йигма-тўсиқли деворларнинг жисмоний эскириш қандай аниқланади ?

39. Керамик плиткалардан ясалган полларнинг жисмоний эскириш қандай аниқланади ?

40. Турили материаллардан бўлган полларнинг жисмоний эскириш қандай аниқланади ?

41. Бозор баҳоси деб нимага айтилади ?

42. Кўчмас мулкни бозор баҳосида баҳолаш нечта усулда олиб борилади ?

43. Истимол (фойдаланиш) баҳоси деб нимага айтилади ?

44. Инвестиция баҳоси деб нимага айтилади ?

45. Тиклаш баҳоси деб нимага айтилади ?

46. Алмаштириш баҳоси деб нимага айтилади ?

47. Гаравга қўйиш баҳоси деб нимага айтилади ?

48. Суғурта баҳоси деб нимага айтилади ?

49. Солиқ олиш баҳоси деб нимага айтилади ?

50. Тугатиш баҳоси деб нимага айтилади ?

МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Мұлк қийматини баҳолашда харажатлар усулида ёндашув.
2. Мұлк қийматини баҳолашда солиштириш усулида ёндашув.
3. Мұлк қийматини баҳолашда фойда олиш усулида ёндашув.
4. Бозор баҳоси баҳолаш асоси сифатида тарифи, құлланиш соҳаси, аниклаш үсуллари.
5. Бозор баҳосидан фарқ қилувчи баҳо базаси.
6. Баҳолаш ҳисоботига қўйиладиган талаблар.
7. Кўп қаватли уйлардаги квартиralарни баҳолаш тартиби.
8. Шаҳсий уй-жойларни баҳолаш тартиби.
9. Курилиши тугалланмаган уй-жойларни баҳолаш тартиби.
10. Нотурар бино ва иншоотларни баҳолаш тартиби.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни (19.08.1999 й. №811-І) билан танишиш.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (09.04.2009 й. № ЗРУ-208) билан танишиш.
3. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 24.04.2008 й. “Баҳолавчи ташкилотларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар кўрсатаётган хизматлари сифати учун жавобгарлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-843-сонли қарори билан танишиш.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2008 й. “Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳақиқийлигини экспертизадан ўтказиш механизмини тасдиқлаш тўғрисида”ги 161-сонли қарори билан танишиш.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.1995 й. “Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган бинолар ва иншоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 478-сонли қарори билан танишиш.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.05.2006 й. “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 97-сонли қарори билан танишиш.
7. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти МБМС № 1÷5 билан танишиш. (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 14.06.2006 й. 01/19-19-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия взирлигидан 24.07.2006 йилда 1604 рақам билан рўйхатдан ўтказилган).
8. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти МБМС № 10. “Кўчмас мулк қийматини баҳолаш” билан танишиш. (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 12.10.2009 й. 01/19-18/21-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия взирлигидан 18.11.2009 йилда 2044 рақам билан рўйхатдан ўтказилган).
9. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти МБМС №12 “Солиқ солиши мақсадида ялпи баҳолаш усувлари билан кўчмас мулк қийматини баҳолаш” билан танишиш. (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 25.03.2012 й. 01/19-18/06-сонли қарори билан тасдиқланган, Адлия взирлиги томонидан 08.05.2012 й. 2359-рақам билан рўйхатга олинган, 2012 йил 18 майдан кучга киритилган)
10. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари “Туарар жой биноларининг жисмоний эскиришни баҳолаш қоидалари билан танишиш. (ҚМҚ 2.01.16-97). Т. Узбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, 1997.
11. Нотурар бино ва иншоотларни тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлашгандан тўпламлари билан танишиш. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, 1999-2008 йиллар.
12. Бино ва иншоотлар ягона классификатори билан танишиш. ГККЙҚ-18-006-97, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 1997 й.
13. Бино ва иншоотларни жисмонан ва функционал эскиришини аниқлаш услуби билан танишиш. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, ГККЙМҚ-18-037-00, 2001 й.

14. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлар ва посёлкаларидағи қўп квартирали турар уй-жойларнинг тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлаштирилган тўплами билан танишиш. I ва II Китоб. ГККЙМҚ-18-076-03, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 2003 й.

15. Кўчмас мулкни баҳолаш тўғрисида услугубий қўлланма. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, ГККЙМҚ-18-088-03.

ГЛАССАРИЙ

Аналог - асосий иқтисодий, физик, техник ва бошқа тавсифларга кўра баҳолаш объектига ўхшаш, нархи ўхшаш шартларда тузилган битимдан ёки ракобатли бозорда қилинган таклифдан маълум бўлган бошқа обьект.

Ялпи рента мультипликатори - кўчмас мулк обьектининг сотув нархи ва ялпи (потенциал ёки ҳақиқий) даромади нисбатини акс эттирувчи кўрсаткич.

Пул оқими - муайян давр мобайнида кўчмас мулк обьектидан олинадиган пул маблағлари оқими.

Ер участкаси - ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир.

Ихтисослаштирилмаган кўчмас мулк - очик бозорда сотиб олинадиган, сотиладиган ва ижарага бериладиган кўчмас мулк.

Кўчмас мулкка бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини юклаш - гаровга, ижарага бўлган ҳуқуқни, сервитутларни, чеклашларни, шартнома бўйича мажбуриятларни, мулкни ушлаб қолиш ҳуқуқини, суднинг мулкни хатлаш тўғрисидаги қарорини, ҳуқуқларни топширишни ва қонун хужжатларида белгиланган, кўчмас мулкка нисбатан олинадиган бошқа ҳуқуқларни ўз ичига олувчи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ. Кўчмас мулкка бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини юклаш қонун хужжатларига ёки шартномага мувофиқ белгиланади.

Капиталлаштириш умумий ставкаси - аналоглар соф операцион даромадларининг уларнинг нархларига нисбатлари таҳлили асосида белгиланадиган кўрсаткич.

Курилиши тугалланмаган обьект - курилиш ишлари бошланган, лекин баҳолаш санасида ҳали тугалланмаган ва (ёки) обьект қурилишини молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги хужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган обьект.

Ихтисослаштирилган кўчмас мулк - ўз хусусиятига (конструктив хусусиятлари, ихтисослиги, катта-кичиклиги, жойлашган ерига ёки мазкур омиллар бирикмасига) кўра ундан фойдаланишнинг муайян тури билан чекланган фойдали хоссаларга эга бўлган ва очик бозорда камдан-кам сотиладиган (корхонанинг бир қисми сифатида сотилган ҳоллар бундан мустасно) кўчмас мулк.

Дисконтлаш ставкаси - баҳоланаётган кўчмас мулк обьектини яратиш ёки ўзгартириш билан боғлиқ бўлган тахмин қилинаётган барча харажатларни ва ҳисоб-китобларга кўра у келгусида яратадиган даромадни мазкур обьектни баҳолаш санасига келтириш учун фойдаланиладиган фоиз ставкаси.

Капиталлаштириш ставкаси - баҳолаш обьектига ўхшаш кўчмас мулк обьектларининг жорий (муайян санадаги) даромаддорлик кўрсаткичи.

Тиклаш қиймати - баҳолаш обьектига ўхшаш янги обьектни ўхшаш материаллар ва технологиялардан фойдаланиб яратиш харажатлари суммаси.

Ўрнига белгилаш қиймати - баҳолаш обьектига ўхшаш фойдали хоссаларга эга бўлган янги обьектни замонавий материаллар ва технологиялар ёрдамида яратиш харажатлари суммаси.

Жорий қиймат - тегишли дисконтлаш ставкасидан фойдаланиб муайян санага келтирилган бўлғуси даромадлар қиймати.

Яхшилашлар - ер участкасини ундан кейинчалик фойдаланиш учун ўзгартириш борасидаги фаолият натижасида яратилган ва у билан узвий боғлиқ бўлган ер участкасидаги ўзгаришлар. Яхшилашлар бинолар, иншоотлар, муҳандислик системалари ва тармоқлари, кўп йиллик ўсимликларни ва улар билан жамулжам ҳолда конструктив ёки функционал яхлитликни ташкил этадиган бошқа обьектларни ўз ичига олади.

Соф рента мультипликатори - кўчмас мулк обьектининг сотув нархи ва соф операцион даромади нисбатини акс эттирадиган кўрсаткич.

Бозор баҳоси (Рыночная стоимость) баҳоланаётган обьектнинг ҳақиқатга яқин баҳоси деб тушинилади. Бу баҳоланаётган обьект очик бозорда рақобат асосида сотувга қўйилаётган бўлиши ва сотувчи хамда хоридорга ташқаридан тазайик ўтказилмаган ҳолда бу обьект тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлганлиги асосида тузилган битимда кўрсатилган баҳо бозор баҳоси дейилади.

Кўчмас мулкни бозор баҳосида баҳолаш З та усулда олиб борилади:

1. Харажатларни ҳисоблаш усули (Затратный метод).
2. Сотилган обьектларга тақослаш усули (Метод сравнения продажа).
3. Объект келтираётган фойда усули (Доходный метод).

Истимол (фойдаланиш) баҳоси (Потребительская стоимость) бу баҳони аниқлашда кўчмас мулк бозорга сотилиш учун қўйилмаган ва аниқ

мулкдорнинг мулки ҳисобланади. Объектнинг фойдаланиш баҳоси кўчмас мулкнинг шу бугунги холатидаги техник, молиявий, иқтисодий ва функционал кўрсатгичларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Бу баҳолаш тури асосан хозирги пайтда ишлаётган ташкилотлар асосий фондларини қайта баҳолаш даврида қўлланилади.

Инвестиция баҳоси (Инвестиционная стоимость) бу баҳо аниқ инвестор учун ҳисобланган баҳо бўлиб, инвестор бу кўчмас мулкни сотиб олмоқчи ёки унга ўз маблағини киритмоқчи. Шу сабабли кўчмас мулкнинг инвестиция баҳосини ҳисоблашда Инвестор томонидан қўйилган инвестиция ёки сотиб олган маблағи келтирадиган фойда ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Инвестиция баҳоси асосан инвестиция лойиҳаларини баҳолашда кучмас мулк келтирадиган фойдани ҳисобга олиш учун ҳисобланади.

Тикланиш баҳоси (Восстановительная стоимость) баҳоланаётган объектнинг бугунги кунда худди шундай меъморий-курилиш кўрсатгичлари бир хил бўлган объектни қуриш учун сарфланадиган баҳоси.

Алмаштириш баҳоси (Стоимость замещения) баҳоланаётган объектнинг фойдаланиш эквиваленти ўзгартирилмаган ҳолда худди шундай объектни шу бугунги баҳода янги меъморчилик стилида, янги лойиҳа меъёрлари ва янги материаллардан фойдаланиб қуриш учун кетадиган харажатлар миқдори билан белгиланади. Қайта тиклаш баҳоси худди шундай объектнининг нусхасини (копиясини) қуриш учун кетган харажатлардан ташкил топса-алмаштириш баҳоси худди шундай объектнинг функциясини ўзгартирмасдан (аналигини) қуриш учун кетган харажатлардан ташкил топади.

Гаравга қўйиш баҳоси (Залоговая стоимость) Гаравга қўйилган объект баҳоси шу бугунги кунда **бозор баҳоси** билан баҳоланади.

Суғурта баҳоси (Страховая стоимость) Объектни **қайта тиклаш** ёки **алмаштириш баҳоси** асосида суғурта баҳоси топилади ва бу суғурта баҳосидан; сухурта суммаси, суғурта фойизи ва суғурта тўлавлари миқдори аниқланади.

Солиқ олиш баҳоси (Стоимость для налогообложения) баҳоланаётган объектнинг холатига қараб икки хилда солиқ баҳоси белгиланади:

Агар объект бозорда сотлаётган бўлса **бозор баҳосидан** келиб чиқсан ҳолда солиқга тортиш баҳоси.

Агар объект фойдаланиш даврида бўлса солиқга тортиш баҳоси объектнинг **қайта тиклаш баҳосидан** келиб чиқсан холатда ҳисобланади.

Тугатиш баҳоси (Ликвидационная стоимость) Объектнинг бузилиши ёки мажбурий сотилишидан мулк эгаси олиши лозим бўлган пул маблағидан ташкил топади.

Баҳолаш мақсади ва вазифаси Объект қўйдаги мақсадлар учун баҳоланиши мумкин:

Мулқдан солик олиш учун; мулк келтираётган фойдадан солик олиш учун; хадия қилиш учун; меросга бериш учун; тугатилаётган корхона баҳосини ҳисоблаш учун; қайта ташкил этилаётган корхона баҳосини ҳисоблаш учун; корхона банкротлик холатидаги баҳосини ҳисоблаш учун; қорхонага инвестиция критилаётган бўлса; объект гаровга қўйилаётган бўлса; объектни суғурталаётган бўлса; ва бошқа хил сабаблар бўлиш мумкин.

Объектни баҳолашнинг асосий вазифаси объектни сотувчи ёки эгаси ва сотиб оловчи ёки фойдаланувчилар шу объектнинг баҳосини белгилаб олиши учун ёрдам бериш. Объектни баҳолаш вазифасини ҳал қилишимизда бу объектни нима учун баҳолаяпмиз деган саволга жавоб беришимиз зарур.

ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

Баҳолаш объектининг базавий қийматига нисбатан қўлланадиган нархни шакллантирувчи коэффициентлар

Минтақа ичида баҳолаш объекти жойлашган ернинг иқтисодий зонасидан келиб чиқиб нархни шакллантирувчи коэффициентлар.

1-машғулот учун тарқатма материаллар

Кадастр зонаси рақами	Коэффициентлар
1-зона	0,68
2-зона	0,75
3-зона	0,81
4-зона	0,9
5-зона	0,935
6-зона	1
7-зона	1,03
8-зона	1,047
9-зона	1,052
10-зона	1,057
11-зона	1,06
12-зона	1,062
13-зона	1,08
14-зона	1,1

Вилоятлардаги объектлар учун қўлланадиган коэффициентлар

Шаҳар, вилоят	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
Оқтош	0,595	0,483	0,438	
Олмалиқ	0,849	0,763	0,645	0,595
Ангрен	0,849	0,763	0,645	0,595
Андижон	1,000	0,946	0,866	0,823
Асака	0,595	0,483	0,405	
Оҳангарон	0,595	0,483	0,438	
Бекобод	0,668	0,561	0,483	
Беруний	0,645	0,542	0,465	
Бухоро	0,823	0,746	0,633	0,561
Фиждувон	0,561	0,489	0,405	
Гулистан	0,645	0,542	0,438	

Денов	0,712	0,595	0,535	
Жиззах	0,823	0,746	0,633	0,561
Питнак	0,561	0,483	0,405	
Зарафшон	0,595	0,483	0,438	
Когон	0,561	0,483	0,405	
Қорасув	0,595	0,483	0,405	
Қарши	0,771	0,746	0,633	0,542
Косонсой	0,561	0,483	0,405	
Каттақўргон	0,668	0,561	0,483	
Қўқон	0,823	0,746	0,633	0,561
Қува	0,595	0,483	0,405	
Қувасой	0,595	0,483	0,405	
Қўнғирот	0,595	0,483	0,405	
Марғилон	0,645	0,542	0,465	
Навоий	0,823	0,746	0,633	0,561
Наманган	1,000	0,922	0,866	0,823
Нукус	0,823	0,746	0,633	0,561
Самарқанд	1,000	0,946	0,905	0,823
Сирдарё	0,561	0,483	0,379	
Тахиатош	0,668	0,561	0,483	
Термиз	0,746	0,633	0,535	
Тўрткўл	0,561	0,483	0,379	
Урганч	0,823	0,763	0,633	0,561
Ургут	0,595	0,483	0,438	
Учқудук	0,561	0,465	0,379	
Учқўргон	0,595	0,483	0,405	
Фарғона	0,823	0,746	0,633	0,561
Хаққулобод	0,595	0,483	0,405	
Хонобод	0,595	0,483	0,405	
Хива	0,561	0,465	0,405	
Хўжайли	0,645	0,561	0,465	
Чорток	0,595	0,535	0,405	
Чимбой	0,595	0,483	0,405	
Чирчик	0,849	0,763	0,645	0,595
Чуст	0,595	0,483	0,405	
Шахрисабз	0,712	0,561	0,438	
Шаҳриҳон	0,595	0,483	0,405	
Ширин	0,568	0,465	0,391	
Янгиобод	0,595	0,483	0,438	
Янгиер	0,568	0,465	0,391	
Янгийўл	0,595	0,483	0,438	

БОШҚА ШАҲАРЧАЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси:			
шимолий зонаси	0,465	0,379	0,304
марказий зонаси	0,535	0,405	0,366
жанубий зонаси	0,542	0,465	0,379
Андижон вилояти	0,595	0,483	0,405
Бухоро вилояти	0,568	0,465	0,405
Жиззах вилояти	0,542	0,438	0,379
Қашқадарё вилояти	0,633	0,535	0,438
Навоий вилояти	0,568	0,465	0,379
Наманган вилояти	0,595	0,483	0,405
Самарқанд вилояти	0,595	0,483	0,438
Сурхондарё вилояти	0,645	0,542	0,465
Сирдарё вилояти	0,568	0,465	0,379
Тошкент вилояти	0,595	0,483	0,438
Фарғона вилояти	0,568	0,465	0,405
Хоразм вилояти	0,568	0,465	0,405

Туман марказлари ҳисобланадиган шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари

Қорақалпоғистон Республикаси:			
шимолий зонаси	0,379	0,312	
марказий зонаси	0,410	0,350	
жанубий зонаси	0,465	0,379	
Андижон вилояти	0,489	0,410	
Бухоро вилояти	0,465	0,410	
Жиззах вилояти	0,438	0,379	
Қашқадарё вилояти	0,516	0,438	
Навоий вилояти	0,465	0,379	
Наманган вилояти	0,489	0,410	
Самарқанд вилояти	0,489	0,438	
Сурхондарё вилояти	0,542	0,465	
Сирдарё вилояти	0,465	0,379	
Тошкент вилояти	0,489	0,438	
Фарғона вилояти	0,465	0,410	
Хоразм вилояти	0,465	0,410	

**2-машғулот учун тарқатма материаллар
Асосий иморатнинг қурилган (капитал қайта қурилган) иилига қараб нархни шакллантирувчи коэффициентлар.**

Қурилган иили	Коэффициентлар
1960 йилгача	0,95
1960 - 1990 йй.	1,00
1991 й. ва ундан кейин	1,05

Қаватлар сонига (хонадон, нотурар жой қайси қаватда жойлашганлигига) қараб нархни шакллантирувчи коэффициентлар.

Хонадоннинг қайси қаватда жойлашганлиги	Коэффициентлар
1-қават	1,00
2 - 5-қаватлар	0,97
6-қават ва ундан юқори	0,87

Кўп қаватли уйлардаги баҳолаш обьектининг жойлашган ерига қараб нархни шакллантирувчи коэффициентлар.

Хонадон уйнинг қайси томонида жойлашганлиги	Коэффициентлар
қисқа ён томони	0,97
қисқа ён томони эмас	1,00

Баҳолаш обьекти ер участкаси ўлчамига қараб нархни шакллантирувчи коэффициентлар.

Ер участкаси ўлчами, сотих	Коэффициентлар
6 сотихгача	1,000
6 сотихдан (қўшган ҳолда) 10 сотихгача (қўшган ҳолда)	1,104
10 сотихдан юқори	1,168

Изоҳ:

- 1 ва 2-бандлардаги коэффициентлар иккала турга (кўп қаватли уйга ҳамда якка тартибда қурилган уйларга) нисбатан ҳам қўлланилади.
- 3 ва 4-бандлардаги коэффициентлар фақат кўп қаватли уйлардаги (хонадонлардаги) баҳолаш обьектлари учун қўлланилади.
- 5-банддаги коэффициентлар фақат якка тартибда қурилган обьектлар учун қўлланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив хуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни (19.08.1999 й. №811-І).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (09.04.2009 й. № ЗРУ-208).
3. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти МБМС № 1÷5 (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 14.06.2006 й. 01/19-19-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия взирлигидан 24.07.2006 йилда 1604 рақам билан рўйхатдан ўтказилган).
4. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (МБМС № 10. “Кўчмас мулк қийматини баҳолаш” (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 12.10.2009 й. 01/19-18/21-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия взирлигидан 18.11.2009 йилда 2044 рақам билан рўйхатдан ўтказилган).
5. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (МБМС № 12. “Солиқ солиш мақсадида ялпи баҳолаш усуллари билан кўчмас мулк қийматини баҳолаш” (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 25.03.2012 й.. N 01/19-18/06-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия взирлигидан 08.05.2012 йилда N 2359 рақам билан рўйхатдан ўтказилган).
6. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 24.04.2008 й. “Баҳолавчи ташкилотларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар кўрсатаётган хизматлари сифати учун жавобгарлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-843- сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2008 й. “Баҳолаш тўғрисидаги ҳисботларнинг ҳақиқийлигини экспертизадан ўтказиш механизмини тасдиқлаш тўғрисида”ги 161-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.1995 й. “Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган бинолар ва иншоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 478-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.05.2006 й. “Давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 97-сонли қарори.

Норматив техник хужжатлар:

1. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари “Турар жой биноларининг жисмоний эскиришни баҳолаш қоидалари (ҚМҚ 2.01.16-97). Т. Узбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, 1997.

2. Шаҳар ерларини бозор нархларида баҳолаш бўйича услубий тавсиялар. (ГККЙМҚ-18-010-98), Т. Ўзгеодезкадастр, 1998.
3. Нотурар бино ва иншоотларни тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган тўплами. (ГККЙМҚ-18-013-99), Т. Ўзгеодезкадастр, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, 1999.
4. Бино ва иншоотларни бозор услублари билан иқтисодий баҳолаш бўйича услубий тавсиялар. (ГККЙМҚ-18-026-99), Т. Ўзгеодезкадастр, 1999
5. Кўчмас мулкни бозор нархи хақидаги хисботни тузиш тўғрисида Кўрсатма. (ГККЙМҚ-18-036-00), Т. Ўзгеодезкадастр, 2001.
6. Бино ва иншоотларни жисмонан ва функционал эскиришини аниқлаш услуби. (ГККЙМҚ-18-037-00) Т. Ўзгеодезкадастр, 2001.
7. Даромад келтирувчи кўчмас мулкни бозор нархлари усулида баҳолаш тўғрисида услубий тавсиялар. ГККЙМҚ-18-045-02, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 2002.
8. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлар ва посёлкаларидағи кўп квартирали турар уй-жойларнинг тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлаштирилган тўплами. I ва II Китоб. (ГККЙМҚ-18-076-03), Т. Ўзгеодезкадастр, 2003.
9. Кўчмас мулкни баҳолаш тўғрисида услубий қўлланма. (ГККЙМҚ-18-088-03). Т. Ўзгеодезкадастр, 2003.

Ўқув адабиётлари:

1. Григорьев В.В. Оценка и переоценка основных фондов. - М.: Инфра - М, 1997.
2. Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н., Хадиев Б.Ю. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Академиги Ғуломов С.С. таҳрири остида. “Кўчмас мулкни баҳолаш”. –Т.: Фан, 2008.
3. К.Б. Ганиев, Г.И. Ганиева. Оценка недвижимости. Тошкент. KONSAUDITINFORM - NASHR. 2010.